Боқий фикр

Эл ғамини билган элда достон.

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 18-yanvar, chorshanba № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мана, 2016 йил якунига етди.

Бу йил Ўзбекистон ва унинг халқи учун кўп жиҳатдан мураккаб йил бўлди. Охирги беш ойда юз берган воқеалар буни яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимизда бўлиб ўтган Президент сайлови ва Ўзбекистон Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари давлатимиз тизими мустаҳкамлигини, ҳокимиятнинг барча бўғинлари, жамиятимиз ва халқимизнинг жипслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

2017 йилни биз **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмади? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

Иккинчидан, 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

Учинчидан, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Мажлис иштирокчиларини огоҳлантириб айтмоқчиман: «ғалаба рапортлари» ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарур. Шунингдек, мамлакат Президенти ва ҳукумати даражасида ечиладиган аниқ таклифлар ва муаммоли масалаларга эътибор бериш шарт.

Мажлисни асосан мулоқот тарзида ўтказишни таклиф этаман. Қўйилган саволларга бериладиган жавоблар аниқ-равшан ва тушунарли бўлиши керак. Бу нафақат Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари ва шу залда ўтирган мажлис иштирокчиларига, балки барча шаҳар ва туман раҳбарларига ҳам бирдек тегишлидир.

Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади — аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика Ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, хўжалик бирлашмалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашдилар. Биринчи бор вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилган студиялар билан видеоконференция алоқаси орқали Ҳукумат мажлисида маҳаллий ҳокимият, вазирлик, идоралар ҳудудий бўлинмалари, корхоналарнинг раҳбар ходимлари ва тадбиркорлар иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

(Давоми 11-бетда.)

Кутубхонанинг самарали фаолияти

китобга, китобхонга меҳри баланд мутахассислар томонидан ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши айни кунда ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ёшларнинг юксак маънавиятли бўлиб вояга етишида муҳим восита ҳисобланган китобларни чоп этиш, тарқатиш ҳамда китобхонликни кенг тарғиб этиш каби ишларни оқилона йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам мутолаа — инсоннинг руҳан ва қалбан улғайиши, тафаккури уфқларининг кенгайиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини, ҳурмат ва эътибор топишида муҳим ўрин тутади. Китоб ўзини англаб яшайдиган ҳар бир инсон учун дўст, доимий ҳамроҳ, битмас-туганмас бойликдир. Китобларда аждодларимизнинг неча минг йиллик изланиш ва кашфиётлари, фикру туйғулари мангуга муҳрланган.

(Давоми 12-бетда.)

Қисқа муддатли гуруҳлар

болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг мақбул усули

Maktabgacha ta'lim

Тарбиячи Дурдона Ҳамидовани ўраб олган болалар глобусдан денгизлар, тоғ ва саҳроларни рангига қараб ажратишни қизиқиб ўрганишмоқда. Улар "Менинг сайёрам" ижодий воқеабанд ўйинига берилиб, математик тасаввурларни шакллантириш машғулотига киришиб кетганини ҳам билмай қолишди. Ўн бешгача тўғри ва тескари санашни, "йўқолиб қолган сон"ни топишнинг уддасидан чиқаётган болаларни кузатган оммавий ахборот воситалари ходимлари мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилаётган қисқа муддатли гуруҳлар фарзандларимизни мактаб таълимига тайёрлашнинг энг мақбул муқобил варианти эканлигига яна бир бор амин бўлишди.

(Давоми 16-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни — бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак.

Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси — ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди.

Ана шу талабни, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн биттта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман.

Ушбу устувор вазифалар бугунги мажлисимиз баённомаси лойиҳасида кўрсатилган. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ана шу йўналишларни амалга ошириш бўйича ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда тақдим этиш топширилади.

Энг асосий устувор вазифа — «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, «**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Айнан ана шу энг муҳим вазифалар **иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.**

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим.

Биринчи — фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш керак. Ўйлайманки, ана шу муҳим ишда Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари фаол иштирок этади.

Жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб Қонунчилик палатаси Спикери — Нуриддинжон Мўйдинхонович Исмоилов ва Сенат Раиси — Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев ҳам жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни шахсан ўрганиш асосида аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, ҳар бир туман ва шаҳардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш даркор.

Ана шу ишларнинг бош мақсади — фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги кампаниябозликни уюштириш керак эмас.

Буни халқ ҳеч қачон кечирмайди!

Бундан буён агар аризачи олган жавоб хатидаги ўз қонуний муаммоси ечимидан қаноат ҳосил қилмаса, бундай мурожаат назоратдан олинмайди.

Учинчи — Бош вазир бошчилигида тузилган махсус комиссия бир ҳафта муддатда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури лойиҳасини яна бир бор қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун киритиши керак.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш — энг муҳим устувор вазифамиздир.

Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, иқтисодиёт вазири Г.Саидова, молия вазири Б.Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.Тоҳирийни 2017 йил учун белгиланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш борасида шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида яна бир бор огоҳлантираман.

Макроиқтисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов, иқтисодиёт вазири Г.Саидова ва молия вазири Б.Хўжаевнинг жорий йил якуни бўйича Давлат бюджети дефицити прогнозига доир таклифларига қўшилиб бўлмасликни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада фақат бюджет профицити ҳақида сўз бориши мумкин ва зарур. Бу муҳокама қилишни эмас, балки сўзсиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир.

Бунинг учун жойларга чиқиш, ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш — бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак.

Фақат шундагина натижага эриша оламиз. Шу муносабат билан ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ўз иш услуби ва дунёқарашини тубдан ўзгартириши шарт.

Ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг барча туманларини субвенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш керак.

Бу йил бошқа ҳокимликлар ва тегишли органлар учун ҳам субвенциядан қутилиш масаласида синов йили бўлади. Бунинг учун Макроиқтисодиёт комплекси таркибидаги вазирлик ва идоралар ҳар куни, ҳар ҳафтада самарали ва тинимсиз иш олиб бориши керак. Бусиз натижага эришиб бўлмайди.

Шунинг учун Макроиқтисодиёт комплекси раҳбари Р.Азимов иқтисодиётни бошқариш бўйича ҳозирги замонавий янги тизимлар самарадорлигига қуйи бўғиндаги раҳбарларни ишонтириши, уларни шу асосда ишлашга ўргатиши, бу борадаги натижа учун жавоб бериши ва уни кафолатлаши керак.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

Иккинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда.

Ва ниҳоят, учинчи асосий камчилик — кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойларидаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ.

Шунинг учун бугун Бош вазир ўринбосарларидан ўзларига қарашли вазирлик ва идораларнинг адвокати бўлиб эмас, балки энг аввало, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ана шу саволларга ғоят аниқ ва равшан жавоб беришни талаб қиламан. **Шунингдек, комплекс таркибидаги ҳар бир бошқарув органи раҳбарига жиддий ва аниқ баҳо беришни сўрайман.**

Барқарор иқтисодий ривожланиш пойдевори бўлган таянч тармоқлардаги ишларимиз қай аҳволда?

Давлат томонидан бу тармоқлар доимо қўллаб-қувватланаётган бўлсада, нима сабабдан изчил ва барқарор ўсиш таъминланмаяпти? Ва ниҳоят, нима сабабдан тажрибали комплекс раҳбари Ғ.Ибрагимов томонидан самарали бошқарув жилови қўлдан чиқариб юборилган?

Аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

«Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида — А.Султонов — 2010-2016 йилларда қарийб 20 миллиард долларлик катта капитал қўйилмалар киритилганига қарамасдан, суюқ углеводород ва табиий газ қазиб олиш камайган.

Шу билан бирга, бу борада хомашё импорт қилиш 1,3 баробар кўпайган. Йирик ва ҳаётий муҳим лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари доимо барбод қилинмоқда. 40 минг киши ишлайдиган «Ўзтрансгаз» компанияси тизимида муддати ўтган дебитор қарздорлик 14 фоизга ошган.

Нима сабабдан, Ғулом Иномович, сиз илгари ўзингиз раҳбарлик қилган «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тизимидаги ишлар аҳволига сусткашлик билан ёндашяпсиз? Нима сабабдан ушбу тармоқдаги ишлар доимий равишда издан чиқмоқда? Қишлоқ хўжалигига фосфорли ўғитларни тўлиқ етказиб бермаслик ва уларнинг танқислиги учун шахсан ким жавоб беради? Охирги 10 йилда минерал ўғитларнинг нархи неча баробар ўсган?

Табиий савол туғилади: ўғитнинг таннархи неча марта камайган? Афсуски, бундай ҳақли саволларга жавоб йўқ. Бундан ким зарар кўряпти? Албатта, деҳқон ва фермерларимиз.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятида 67 минг киши, жумладан, қўштирноқ ичидаги «пул йиғувчи»лар мавжуд бўлса-да, нима сабабдан улкан дебитор қарздорликнинг тагига етиб бўлмайди? Кўмир қазиб олиш тармоғи, таъбир жоиз бўлса, «ёнбошлаганича ётибди».

Сизга уч йил олдин ходимлар штати ҳаддан ташқари кенгайиб кетган, жумладан, қариндошчилик асосида ишга олиш ва жуда юқори иш ҳақи белгилаш авж олган ўнлаб лойиҳа гуруҳлари фаолиятини пухта ўрганиб чиқиб, тартибга солиш топширилган эди. Нима учун топшириқни охиригача бажармадингиз?

Сиз ва сизга бўйсунувчи раҳбарлардан бугун ана шу саволларга жавоб беришингизни талаб қиламан. Шу билан бирга, биринчи ярим йилда асосий эътиборни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратиш зарур:

биринчи — Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича яқинда тасдиқланган дастурни сўзсиз амалга ошириш учун Қ.Санақулов ва А.Фармоновнинг шахсий жавобгарлигини таъминлаш шарт. Бир-икки фоиз миқдордаги ўсиш суръатлари билан чегараланиб қолиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Ғ.Ибрагимов қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуришга доир топшириқни бажариш бўйича қарор лойиҳасини киритишни тезлаштириши зарур;

иккинчи — нафақат жорий йилда, балки яқин 3—5 йилда фойдаланишга топириладиган барча стратегик муҳим объектларни ўз вақтида ишга тушириш даркор;

учинчи — нефть-газ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, импортни кескин камайтириш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш зарур.

Кейинги 10 йилда Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли вазирлик ва идоралар томонидан олиб кирилган асбоб-ускуналар импорти таҳлил қилинмаган. Уларни маҳаллийлаштиришдан ҳеч ким манфаатдор эмас, бу масала билан ҳеч ким астойдил шуғулланмаяпти. Бундай ёндашув замирида нима ётибди, деган ҳақли савол туғилади.

Шунинг учун бундан буён Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак якуни бўйича мажлисларидан олдин алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, уларда ҳар қайси Бош вазир ўринбосарининг импортни ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади. Уларнинг фаолиятига холисона баҳо берилади.

Давлат геология қўмитаси тизими, шунингдек, унинг раҳбари И.Тўрамуратов фаолияти самарадорлиги алоҳида эътиборни талаб қилади. Яқин вақт ичида 2017—2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва тиклаш дастури лойиҳасини тақдим этиш зарур.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Бош вазир ўринбосари У.Розуқулов раҳбарлик қилаётган Машинасозлик комплексида юзага келган аҳвол бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Энг аввало, сиз раҳбарлик қилаётган автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган. Бу нафақат саноат маҳсулоти ўсиш суръатига, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳада импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизимини тубдан қайта қуриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, айни вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди.

Охирги йилларда шахсан сиз кадрлар билан ишлашни бўшаштириб юбордингиз. Сизнинг таклифингизга кўра «Ўзэлтехсаноат» компанияси раҳбари этиб Э.Иминов тайинланган эди. Бироқ унинг иш натижалари ва бутун тармоқдаги аҳвол қандай?

Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган.

Сиз ва компания раиси хорижий инвестиция ва замонавий ускуна олиб келиб, замонавий рақобатдош ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этганингизни мен эслай олмайман ҳам.

Сиз хусусий тадбиркорларнинг ўзи ташаббус кўрсатаётганидан қаноатланиб юрибсиз. Тармоқда эса халигача зарур силжиш йўқ.

Сиз томонингиздан «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарлигига тавсия қилинган А.Қурбонов номзоди ва унга нисбатан талабчанлик кўрсатилмагани туфайли соҳада аниқ иш ва якуний натижа бўлмади. Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 21 минг стандартидан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган, холос.

Шунинг учун ҳам сиздан ва тармоқ раҳбарларидан бугун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот беришингизни талаб қиламан:

биринчи — автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатдошлигини, энг аввало, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш бўйича принципиал жиҳатдан янги тизим зарур.

Бу борада мен «отвертка билан машина йиғиш» эмас, балки асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартиришни назарда тутяпман;

иккинчи — аҳоли учун мақбул нархда турли маиший электр техника буюмларини ишлаб чиқаришни таъминлашимиз керак;

учинчи — ўтган йили биз «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилдик. Савол: уларни муваффақиятли амалга ошириш ва бу ўта муҳим тармоқнинг барқарор иш юритишини таъминлаш бўйича сиз томонингиздан қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилди?

тўртинчи — бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш керак. Бундан кўзланган мақсад — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий халқаро стандартларга жавоб бериши лозим.

Сиз ва Бош вазирнинг бошқа ўринбосарлари учун мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур.

Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ. Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар — мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, "ноу-хау" намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш-дир.

Бизда улкан резервлар бор. Лекин шунга қарамасдан, ўтган йили жами 1 миллиард 540 миллион долларлик прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолди. Шундан 570 миллион доллари Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли корхоналарга тўғри келади. 970 миллион доллар миқдоридаги кўрсаткичлар эса ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилмаган. Бизнинг маҳсулотимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 2010 йилга нисбатан 176 тадан 138 тага камайган.

Айни вақтда машинасозлик комплекси, «Ўзфармсаноат» концерни ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ўнлаб марта кўп.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми импорт миқдорига нисбатан 25—30 фоиздан ошмайди.

Нима сабабдан сиз ушбу муҳим вазифадан ўзини четга олаётган ва прогноз кўрсаткичи атиги 42 фоизни ташкил этган Тошкент шаҳри ҳокими Р.Усмонов ва туманлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш бўйича аниқ таклифлар киритмаяпсиз?

Ёки Ш.Абдурахмонов, З.Рўзиев, Ш.Ғаниев каби тажрибали ҳокимлар раҳбарлик қилаётган Андижон, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида прогноз кўрсаткичлари атиги 65—85 фоиз бажарилганини қандай тушуниш мумкин?

Энди, рухсатингиз билан, 2017 йилда олдимизда турган вазифалар тўғрисида тўхталсак. Биз 10 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги маҳсулот экспортини таъминлашимиз керак. Бу борада қандай кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишимиз зарур?

Биринчи — 15 кунлик муддатда комплекслар бўйича эмас, чунки бу ўзини оқламаяпти, балки экспортга маҳсулот чиқарадиган барча корхоналар бўйича ҳаракат дастурини пухта ишлаб чиқиш ва У.Розуқулов раҳбарлигидаги махсус комиссия мажлисида тасдиқлаш керак.

Иккинчи вазифа — 2016 йилда Тошкент шаҳри ва хорижда ўтказилган халқаро саноат ярмаркаларида жами 7,7 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича тузилган шартномаларни амалга ошириш зарур.

Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Украина ва Беларусь Республикасида, шунингдек, бошқа давлатларда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини излаш бўйича бошланган ишларни янада фаол давом эттириш керак. Лекин Болгария билан бу борада яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича берилган топшириқ, афсуски, натижасиз қолди.

Бу ишларга бизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Буни Сенат раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев ва ташқи ишлар вазири А.Комилов назоратга олсин.

Учинчи вазифа — «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан боғлиқ. Бу борада камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаш керак.

Тўртинчи вазифа — мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш. Бош вазир ўринбосари З.Мирзаевга 15 кун муддатда ўтган йили 650 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилинмай қолгани сабабларини атрофлича таҳлил қилиб, аниқ таклифлар киритиш топширилади.

Бу борада мамлакатимиздаги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган 66 та туманнинг салоҳияти ва имкониятларини ҳам сўзсиз ҳисобга олиш зарур. Энди ушбу туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва тумандаги барча раҳбарлар прогноз кўрсаткичларига эришиш учун тўғридан-тўғри жавобгардир.

Бош вазир ўринбосари, махсус комиссия раиси У.Розуқулов ва янги департамент бу амалий вазифаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштириши шарт.

Мазкур иккита комплексдаги ишларнинг ҳолатини, шунингдек, Ф.Ибрагимов ва У.Розуқуловнинг шахсий жавобгарлигини танқидий таҳлил қилишга эътиборингизни алоҳида қаратдим. Бунинг сабаби — бу соҳаларга нафақат саноат, балки бутун иқтисодиёт ривожида ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ғоят катта ишонч билан қараяпмиз. Уларни ва комплекслар таркибидаги ташкилотлар раҳбарларини шахсан огоҳлантираман: агар жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича реал натижалар таъминланмаса, сизларга нисбатан қаттиқ чора кўрилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Маълумки, биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз.

Ана шу муҳим соҳаларда қандай муаммолар бор? Бундан илгари ҳам соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаган Бош вазир ўринбосари А.Икромовга мурожаат қилиб сўрамоқчиман:

биринчидан, нима сабабдан ўтган шунча йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, энг аввало, қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги таъминланмади? Бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач етишмайди, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст;

иккинчидан, диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижасида йилига 30 мингдан зиёд юртдошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришга ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашга мажбур бўлаётганидан сизнинг хабарингиз йўқми?

учинчидан, сиз қачон тез тиббий ёрдамнинг барча тузилмаларида тартиб ўрнатиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлайсиз? Нима сабабдан улар аксарият ҳолатларда беморларга ҳақиқий тез ёрдам кўрсата олмайди?

тўртинчидан, тиббиёт ходимлари ўртасидаги салбий ҳолатларга қачон барҳам берилади? **Бу борада фақатгина ўтган йилнинг ўзида 174 та жиноят иши қўзғатилган**. Соғлиқни сақлаш ходимлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувда туғруқхоналардаги таъмагирлик билан боғлиқ салбий ҳолатлар тўғрисида сизга ва тизим раҳбарларига алоҳида айтган эдим;

бешинчидан, сиз нима сабабдан экологиянинг жиддий муаммолари билан етарлича шуғулланмаяпсиз? Ахир, бу соҳа одамларнинг соғлигига ва мамлакатимиздаги эпидемиологик ҳолатга таъсир қилмайдими?

олтинчидан, шахсан сиз ва «Дори-дармон» компанияси раҳбари А.Комилов нима сабабдан дорихоналар тармоғидаги жиддий камчиликларга панжа орасидан қараб, уларни бартараф этиш учун таъсирчан чораларни кўрмаяпсиз? Ахир, бу соҳада қиммат дориларнинг 45 фоизини импорт дорилар, бунинг устига, нархи ҳаддан ташқари ошириб юборилган дорилар ташкил этади.

(Давоми 4-бетда.)

Ma'rifat

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Адҳам Илҳомович, сиз раҳбарлик қилаётган комплекснинг яна бир муҳим тармоғи — жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ. Албатта, бу соҳада, айниқса, олий маҳорат спорти борасида кейинги йилларда муайян ютуқларимиз бор. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин охирги Олимпиадада фақатгина оғир атлетика, бокс, кураш ва дзюдо бўйича совринли ўринлар эгалланди. Бунинг сабаби нимада?

Сўнгги беш йилда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм ажратилган. Бу — Миллий олимпия қўмитаси маблағларидан ташқари.

Бизда болалар спорти, олий спорт маҳорати ва олимпия резервларини ривожлантириш бўйича қудратли база яратилган. Яна қандай база, қўшимча шарт-шароит ва воситалар керак?

Ана шу муаммолар ичига чуқур кириб бориш зарур. Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчи — қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларга доир топшириқларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш зарур;

иккинчи — врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор. Зарур бўлса, уларни моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш керак;

учинчи — 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур. Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак.

Шу билан бирга, ўтган йили сентябрь ойида тасдиқланган 2016—2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича дастур самарали бажарилишини таъминлаш даркор;

тўртинчи — қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш алоҳида назоратга олиниши керак. Ҳар бир имтиёз ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркор;

бешинчи — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари О.Раматов билан биргаликда экология соҳасидаги ишлар аҳволини яхшилаш, энг аввало, жойларда чиқиндилар билан ишлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш бўйича таклифларни яқин вақт ичида тақдим этиш зарур;

олтинчи — сиз ва шахсан маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедовнинг эътиборини жисмоний тарбия ва спорт соҳасида яратилган қудратли базадан самарали фойдаланиш зарурлигига қаратаман.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари билан чегараланиб қолиш керак эмас. Иқтидорли ўсмир ва қизларни танлаб олиш ва тарбиялаш бўйича жиддий селекция ишларини амалга ошириш зарур.

Таъкидлаш керакки, вазир Б.Аҳмедовнинг бугунги мажлисимизга тайёрлаб келган жонсиз ҳисоботи ҳеч қандай танқидга чидамайди. Бу ҳисоботда на таҳлил, на аниқ таклиф бор. Афтидан, айнан шунинг учун ҳам сизнинг маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ишларингиз асосан юбилей тадбирларини ўтказиш билан чекланиб қолаяпти. Сиз ҳам, ўринбосарларингиз ҳам бу соҳага янгича мазмун киритиб, вазиятни тубдан яхшилашга ҳаракат қилмаяпсизлар.

Қадрли дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган янги комплекс ва департамент ташкил этилди. Уларнинг бош вазифаси қуйидаги икки йўналиш бўйича барқарор ишлайдиган тизимни ташкил этишдир:

биринчи — туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболли вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳокимлик ва тармоқларни бошқариш органларининг куч ва ҳаракатини аниқ мувофиқлаштириш. Мақсад — иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, энг муҳими, одамларнинг ҳаёт даражасидаги жиддий тафовутни бартараф этишдир;

иккинчи — йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз парметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш.

Якуний мақсад — иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиб беришдир.

О.Раматовнинг эътиборини шахсан ундан ва иккита департаментдан талаб этиладиган қуйидаги вазифаларга қаратаман:

биринчидан, комплекс таркибига кирадиган барча идораларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш. Пала-партиш таклифларни бериш ва шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас. **Яқинда шу сабабларга кўра Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш бўйича комплекс дастурни қайтаришга мажбур бўлдим. Бу каби хатоликлар такрорланмаслиги шарт;**

иккинчидан, 14 та ҳудудда сайловчилар билан учрашувда кўтарилган йирик муаммоли масалаларни ҳал этишга доир қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни яқин вақт ичида якунлаш ва тақдим этиш зарур;

учинчидан, 2017—2021 йилларга мўлжалланган 12 та ижтимоий ва инфратузилма дастурини амалда бажариш. Шундан 8 та дастур тасдиқланган. Яқин вақт ичида транспорт ва савдо хизматини яхшилаш, автомобиль йўлларини ва ичимлик сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш бўйича ҳужжатлар тўпламини қайта ишлаб чиқиб, тақдим этиш керак.

Кун тартибида Уй-жой ва коммунал хизмат вазирлигини ташкил этиш масаласи ҳам турибди. Ана шу лойиҳаларни тасдиқлаш жараёни сиз томонингиздан асоссиз равишда чўзиб юборилди;

тўртинчидан, мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли тажриба лойиҳаси тариқасида Миллий банк мисолида қуйидаги тизимни жорий этиш бўйича таклиф киритаман.

Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Банк раҳбари С.Раҳимов бугун ўз таклифларини бериши лозим.

Бундан ташқари, кечиктириб бўлмайдиган бир қатор ўта муҳим вазифалар бор. Улар орасида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимини тубдан қайта ташкил этиш, шаҳарсозликнинг эскирган методология ва нормативлари, капитал қурилишдаги номутаносиблик ва муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, лойиҳа институтларининг самарасиз фаолиятини қайта кўриб чиқиш масалалари бор.

Айрим фактларни келтирмоқчиман. Шаҳарсозликни такомиллаштириш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги назоратсиз қолган. 2012—2015 йилларда ишлаб чиқилган 18 та шаҳар ва посёлканинг бош режалари ҳалигача тасдиқланмаган.

Қўмита раҳбарияти бундан 3 йил аввал туман архитекторлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенгашлар ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга "Дамас" автомобиллари ажратиш бўйича берилган топшириқлар ижроси устидан назоратни таъминламади.

Лицензияга эга бўлган 850 та лойиҳа ташкилотларининг атиги 147 таси ёки 17 фоизи мамлакатимиз миқёсидаги инвестиция дастурларини амалга оширишга жалб этилган.

Очиқ тан олишимиз керак, бизнинг энг жиддий камчиликларимиздан бири — замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа институтларининг йўқлигидир. Уларнинг моддий-техник базаси ўтган асрнинг 80-йиллари даражасида қолиб кетган. Улар томонидан ахборот технологияларини, замонавий илм-фан, архитектура ва дизайн ютуқларини қўллаш даражаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу сабабли ҳаётнинг ўзи ҳар бир вилоятда бир-иккита замонавий лойиҳа институтини ташкил этишни талаб этмоқда.

Давлат маблағлари ва ресурслари талон-тарож қилинмоқда. Ўтган йили инспекциялар томонидан пудрат ишлари ҳажми 4 миллиард 700 миллион сўмга камайтирилган. 24 мингта лойиҳа экспертизадан ўтказилганида уларнинг нархи 1 триллион 500 миллиард сўмга камайтирилган.

Савол: бундай жиддий камчиликларни Б.Зокиров ва унинг биринчи ўринбосари А.Тўхтаев билмайдими? Нима сабабдан сиз иккалангиз фақатгина айрим объектлар билан чекланиб, кўрсатилган муаммоларнинг ичига кириш ва уларни ечишга умуман эътибор бермаяпсиз?

Бутун тизимни тубдан қайта ташкил этиш бўйича 20 кун муддатда аниқ таклифларни киритиш керак.

Бизни йўл қурилишидаги ишлар аҳволи ҳам қониқтирмайди. Молия вазирлиги ва унинг Йўл жамғармаси айби билан маблағларнинг кескин етишмаслиги доим сезилиб турибди. Битумни барқарор етказиб бериш масаласи ҳал этилмаган. Ўғирликлар тугамаяпти. Кадрлар қўнимсизлиги юқори.

Ўтган йили «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти раҳбариятини алмаштирдик. Бироқ бу ташкилотларнинг янги раҳбарлари — И.Маҳкамов ва Б.Зарипов зарур даражада ташаббус кўрсатмаяпти.

Умид қиламанки, О.Раматов ва бошқа раҳбарлар ўз ҳисоботида ана шу саволларга аниқ жавоб беришади. **Шу йил бошида жорий қилинган ҳукумат аъзоларининг Президентга ҳисобот бериш тартиби доирасида бошқа раҳбарлар билан ҳам албатта учрашаман. Бунга барча раҳбар ходимлар ва ҳудудлар ҳокимлари пухта тайёргарлик кўришини сўрайман.**

Жойлардаги аҳволнинг жиддийлиги ва оғирлигидан келиб чиққан ҳолда, О.Раматовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тайинладик ва унга шу оғир участкани топширдик. Шунинг учун Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, ҳокимлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз саъй-ҳаракатини бирлаштириб, унга ёрдамчи бўлиб фаол кўмак бермаса, кутилган натижага эришиш қийин бўлади.

Агар жойларда инфратузилма ва ижтимоий объектларда ўта ачинарли аҳволга дуч келсангиз, мавжуд ҳолати улардан кўра яхшироқ бўлган объектлар ўрнига ана шу ёмон аҳволдаги объектларни киритиш йўли билан, О.Раматов, сизга тасдиқланган манзилли дастурларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади. Буни барча раҳбарлар билиб олсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Барчамиз сўзсиз тушунамиз, иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғликдир. Улар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

Бундан бир неча йил олдин ҳукумат мажлисида Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг собиқ раҳбари Р.Ғуломовнинг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди. Иқтисодиёт вазирлиги мамлакатимиздаги бошқа вазирлик ва идоралар учун ҳаракатлантирувчи куч, яъни локомотив вазифасини бажара олмаётгани таъкидланган эди. Афсуски, бугун очиқ айтиш керак, ана шу вазифа ҳалигача бажарилмади.

Аниқ далил ва муаммоларга мурожаат қиламан.

Биринчи — ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг ахволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш.

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлсада, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришнинг аввалги усуллари эскирди. Экспортни прогноз қилиш билан бирга, импортни пухта ва синчиклаб прогноз қилмаслигимизни қандай тушуниш мумкин?

Фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган қарийб 400 миллион долларлик маҳсулот четдан импорт қилинган. Айниқса, «Ўзбекэнерго», «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятлари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзфармсаноат» концерни бунга берилиб кетган.

Энди, хурматли Галина Каримовна, бундан кейин ҳар ой, ҳар чорак якуни билан, мавжуд ахволни чуқур таҳлил қилган ҳолда, таннархни ва импортни қисқартириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Президентга шахсан маълумот киритасиз.

Бу маълумотномада чуқур таҳлил, кўрилаётган ёки кўрилмаётган чоралар ёритилиши, шунингдек, аниқ таклифлар берилиши керак. Айрим раҳбарларнинг чилдирмасига ўйнаш даври ўтди энди. Шу асосда ҳар ойда бир марта Президент раҳбарлигида селектор йиғилиши ўтказилади ва тегишлича баҳо берилади.

Ўз вақтида, Галина Каримовна, шахсан сиз ва жаноб Э.Ғаниев эркин иқтисодий зоналар ташкил этишни таклиф этган эдингиз. Ўзи — яхши ташаббус, лекин у охиригача аниқ ҳаракатлар билан мустаҳкамланмади.

Исбот тариқасида «Навоий» эркин иқтисодий зонаси бўйича маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган.

Принципиал жиҳатдан янги асосларда «Ўргут», «Фиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича куни кеча Фармон қабул қилинди. Ўтган йиллардаги хатоларни яна такрорлашга янги йўл қўйиб бўлмайди.

Бундан деярли 10 йил олдин Иқтисодиёт вазирлигининг собиқ раҳбарияти мева-сабзавот балансини ишлаб чиқмасликни ва тасдиқламасликни қатъий таклиф этган эди. Бу нимага олиб келиши мумкинлигини, энг аввало, ички истеъмол бозорига таъсири қандай бўлишини биз бугун бошқалар мисолида кўриб турибмиз. Бунинг устига, валюта балансининг муҳим тушум манбаидан ажралган бўлар эдик.

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай ахволда эканини танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган.

Халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва масъулият йўқ.

Лойиҳаларни экспертиза қилиш ва тендерларни ўтказиш бюрократлашиб кетгани энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини экспертиза қилиш агентлиги ташкил этилганидан кейин ҳам сезиларли ўзгариш ва натижалар йўқ. Агентлик раҳбари Ш.Ҳошимовда ташаббус етишмайди.

Ушбу масалага доир ҳукуматнинг 110-қарори ишламасдан, таъбир жоиз бўлса, жойида тошдек қотиб қолган ва ўн йилдан буён қайта кўриб чиқилгани йўқ. Бундан экспертиза органларининг айрим қўли эгри раҳбарлари ва мутахассислари усталик билан нопок мақсадларда фойдаланмоқда.

Сиздан, Галина Каримовна, 15 кун муддатда ушбу қарорга ўзгартиш киритиш бўйича таклиф киритишни сўрайман.

Маҳаллий ҳокимларнинг айби билан мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз ахволда қолмоқда.

Биргина мисол келтираман. Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида атиги 18 та лойиҳани амалга оширишга 55 миллион доллар ёки ҳар бир лойиҳага ўртача 3 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб этилган.

Ана шу ҳудудларнинг саноати ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мамлакат Президенти томонидан тасдиқланган махсус дастурлар амалга оширилаётган бир шароитда бу албатта етарли эмас.

Шунинг учун вилоят ҳокимлари ҳар чорак якунига кўра тижорат банклари билан биргаликда хорижий инвестицияларни олиб кириш бўйича ишларнинг қандай ахволда экани тўғрисида шахсан Президентга ахборотнома киритади. Буни Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов алоҳида назоратга олсин.

Юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг раҳбарияти вазифасига кирмайдими?

«Биз ишлаб чиқдик ва тасдиқладик, энди сизлар амалга ошириш ва натижа учун жавоб беришга мажбурсиз» деган кайфият билан яшаб, уни одат қилиб олиш мумкин эмас. «Бизнинг қароримиз – энг юқори босқичдаги ҳақиқат ва қонун» деган яроқсиз, қўштирноқ ичидаги "принцип"га асоссиз равишда таяниш ва амал қилиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповдан вазирликнинг бутун тизимини қайта ташкил этишни таъминлайдиган ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқишни ва тақдим этишни тезлаштиришни сўрайман. Бунда унинг таркибий тузилмасига ҳокимликларнинг тугатилган Йигма бошқармалари ва иқтисодиёт бўлимларини киритишни назарда тутиш керак.

Бирок, энг асосийси — Иқтисодиёт вазирлигининг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда ушбу ташкилотнинг энг муҳим вазифаси сифатида вазирлик, унинг раҳбарияти, жумладан, шахсан вазирнинг якуний натижалар, шунингдек, таклиф этилаётган концепциялар, дастурлар ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари учун жавобгарлиги белгиланиши лозим. **Ҳукумат ушбу таклифнинг ҳуқуқий асосларини Қонунчилик палатаси ва Сенат билан бирга пухта ўрганиб чиқсин.**

Солиқ-бюджет сиёсатига қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йирик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш — ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади.

Мажлисимиз иштирокчиларига мурожаат қилар эканман, қуйидаги саволларни беришни зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу масалалар қай даражада самарали ҳал этилмоқда?

Нима сабабдан Молия вазирлигининг низоми 1992 йилда тасдиқланган бўлса-да, 25 йилдан буён асосий вазифа ва функциялари тубдан қайта кўриб чиқилмаган? Ахир, ислоҳотлар вазирлик ва унинг раҳбарларига таллуқли эмасми? Нима сабабдан вазирлик ўзига юклатилган энг муҳим вазифаларни самарали бажаришни, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашни таъминламаяпти? Ахир, вазирлик таркибида 16 мингдан ортиқ ходим ишлайди, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган марказий аппарат, ҳудудий органлар, Ғазначилик, Назорат-тафтиш бошқармаси, Пенсия жамғармаси ва яна 4 та махсус жамғарма мавжуд. Уларни сақлаш учун бюджетдан ҳар йили 350 миллиард сўм харажат қилинади.

Энг муҳим дастурлар, лойиҳа ва вазифалар бўйича қабул қилинган айрим қарорлар ёки умуман реал молиялаштириш манбалари билан таъминланмаган, ёки қолдиқ принципи бўйича молиялаштирилади. Нима сабабдан тўлов интизоми оқсаяпти?

Жами 18 триллион сўмлик дебитор қарздорликдан 11 триллион сўми ёки 60 фоизи охирги 3 йил мобайнида чўзилиб келяпти.

Нима учун ушбу муаммо билан Муддати ўтган қарздорликни қисқартириш комиссиясига бошчилик қиладиган молия вазири ва Марказий банк раиси жиддий шуғулланмаяпти?

Нима сабабдан пластик карточкаларни муомалага киритишдан илгари барча механизмлар пухта ишлаб чиқилмаган? Нима учун кўплаб ташкилотлар, энг аввало, бюджет ташкилотлари ходимлари — ўқитувчилар, врачлар, хизматчилар ва ҳатто пенсионерлар, айрим амалдорларнинг қўштирноқ ичидаги «янгилик»ларидан қийналиши керак?

Албатта, Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу — ҳаммага равшан ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг харажатига йилига 90 миллиард сўм давлат маблағи сарфланади. Ана шу тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамоқдаки, **уларнинг вазифаси гўё фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдир.**

Лекин фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб бўладими? **Бу – нафақат хато фикр, балки чуқур янглишиш, деб ҳисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?**

Ўтган йилнинг ўзида 22 мингта ташкилотда жами 200 миллиард сўмлик ўзлаштириш ва маблағларни бошқа мақсадлар учун сарфлаш ҳолатлари аниқланган. Уларнинг асосий қисми ижтимоий соҳа ташкилотларига тўғри келади. Ана шу камчиликларни бартараф этиш тегишли вазирликлар раҳбарлари билан бирга молия вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган Ж.Қўчқоровнинг фаол иш йўналиши бўлиб қолиши керак.

Ҳисоб палатаси (К.Акмалов)дан бир ой муддатда Давлат бюджети маблағларининг нафақат самарали ва мақсадли ишлатилишини ҳар тарафлама ўрганишни, балки, биринчидан, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича, иккинчидан, аллақачон вақти келган масалаларни ҳал этишга доир таклифларни киритишни сўрайман.

Молия вазирлиги, унинг таркибий тузилмалари ва аппаратининг иш юритиш шакли ва усулларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳукуматнинг аксарият топшириқлари белгиланган муддатларни кўпол равишда бузган ҳолда бажарилмоқда, иш сифати ҳам аксарият ҳолатларда оқсамоқда. Шунга қарамасдан, бу тузилмалар раҳбарларининг ўзига бўлган ишончи осмон қадар баланд.

(Давоми 6-бетда.)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-бетларда.)

Нима учун бошқа идоралар раҳбарлари давлатнинг аниқ муаммоларини ҳал этиш бўйича малакали тавсия олиш ўрнига, доимо қоғозбозлик ва сансалорлик ҳолатлари, шунингдек, айрим вазир ўринбосарларининг баланд димоғлиги ва қайсарлиги билан тўқнашиши керак?

Ниҳоят, нима сабабдан баъзан инсон қадр-қиммати ерга урилади, бунга ким ҳуқуқ берган?! Нима учун Бош вазир ўринбосари ёки ҳукумат аъзоси қабулхонада соатлаб кутиб ўтириши керак? Нима учун Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаменти мудири жиддий масалалар бўйича юзаки презентация ўтказилишини кунлаб ва ҳафталаб кутади, кейин эса ҳужжат қайта ишлашга қайтарилади? Ва нима сабабдан бу жараёнларнинг барчасини штатдаги ёрдамчи эмас, балки чаласавод ва беандиша қабулхона инспектори белгилайди?

Ўйлайманки, ана шу оддий бўлмаган ва муҳим саволларга аниқ ва равшан жавоб топиш вақти келди. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ва янги вазир Б.Хўжаевга бир ой муддатда Молия вазирлигининг ташкилий тузилмаси, унинг вазифа ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилади.

Кадрлар билан ишлаш ҳолатини ҳам танқидий таҳлил қилиш зарур. Ўйлайманки, молия органларининг бутун тизимидаги раҳбар ва ходимларни аттестациядан ўтказиш керак.

Ҳақиқий факт шундан иборатки, агар Р.Азимовда ана шу жиддий камчилик ва муаммоларни кўриш хоҳиши бўлганида, уларни кескин бартараф этиш бўйича у зарур ташаббус кўрсатганида, биз бугун иқтисодий ва молиявий соҳаларда бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришган бўлар эдик.

Такрор айтаман, фақатгина «ғалаба рапортлари» билан, шунингдек, муаммоларга умуман алоқаси йўқ, ўз орзу-истагидаги мавҳум нарсаларни ҳақиқат деб кўрсатадиган шахслар томонидан тайёрланган ахборотномалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас.

Ҳақиқат эса хизмат вазифангизга кўра сиз шахсан жавоб берадиган қуйидаги жиддий муаммоларда ўз аксини топган.

Биринчи — иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас.

Иккинчи — накд ва нақдсиз шакл-даги ҳисоб-китобларда фарқ мавжудлиги.

Учинчи — ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмаслиги. Сиз бу очик-ойдин фактларни инкор қилмайсиз, деб ўйлайман. Сиздан реал таклифларни кутаман.

Макроиқтисодиёт комплекси таркибига кирувчи бошқарув органларининг самарали ишлаши ва уларга раҳбарлик қилиш талаб даражасида таъминланмаяпти. Шу муносабат билан шахсан сизга қуйидагилар топширилади:

биринчи — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўзининг вазифа ва функцияларини самарали ва тўлиқ ҳажмда бажаряптими? Унинг раҳбарлари Э.Ғаниев ва Ш.Тўлаганов-чи? Бу — принципиал савол. Ушбу вазирликнинг 163 та мутахассис ишлаётган марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари нима билан машғул?

Бош вазирга 10 кун ичида аллақачон ҳал этиш вақти келган ушбу саволлар бўйича таклифлар киритиш юкланади;

иккинчи — Меҳнат вазирлиги ва унинг раҳбари А.Абдуҳакимов фаолияти самарадорлигини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ.

Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида кўплаб қўшиб ёзиш ҳолатлари бартараф этилмаган.

Ана шу муаммоларга барҳам бериш бутун Макроиқтисодиёт комплекси ва шахсан меҳнат вазирининг биринчи даражали вазифасига айланиши керак.

Сизга, Рустам Содиқович, 15 кун муддатда ушбу ишга барча иқтисодий ва молиявий органлар, банк муассасалари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимлар ўринбосарларини жалб этишни назарда тутадиган, принципиал жиҳатдан янги, таъсирчан механизмни жорий этиш юзасидан аниқ таклифлар киритишни топшираман.

Аниқ бир мисол билан ушбу муаммони ҳал этишнинг реал йўлини айтмоқчиман. Андижон вилоятининг аҳоли зич жойлашган Олтинкўл туманида 7 та касб-ҳунар коллежи бор, уларни бу йил турли мутахассисликлар бўйича 2 минг 300 нафар битирувчи тамомлайди. Туман ҳудудида 714 та хўжалик юритувчи субъект, жумладан, саноатда — 371 та субъект, қурилишда — 167 та субъект, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида — 156 та субъект ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатади.

Тумандаги ҳар бир хўжалик субъектига ўртача 3 нафар битирувчи тўғри келади.

Туманда бюджетдан ойлик оладиган иқтисодий комплекс ташкилотларидаги жами 400 нафар ходим ушбу корхоналарнинг самарали ишлашига амалий ёрдам берса, масалан, кимгадир кредит, яна кимга хомашё ёки малакали маслаҳат билан кўмаклашса, бу ишни бемалол бажарса бўлади. Агар ана шу 400 нафар одам ойига биттадан иш ўрни ташкил этишга кўмаклашса, бир йилда 4 минг 800 та янги иш жойига эга бўлиш мумкин.

Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Буларнинг барчасини ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур.

Фақат шундай йўл билан биз давлатнинг ўқувчилар ва уларнинг отаоналари олдидаги мажбуриятини бажаришимиз мумкин. Худди шундай амалиётни республика олий таълим муассасалари битирувчилари бўйича ҳам ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор.

Навбатдаги муҳим вазифа — бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат. Шу масала бўйича қуйидаги таклифларни киритаман.

Биринчидан, ҳокимлар янги иш ўринлари яратиш юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларни, ҳар ой якунига кўра бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларнинг иш ҳақига 15 фоиз қўшимча қўшиш билан рағбатлантирилади. Ана шу кўрсаткичлар бажарилиши таъминланмаса, аксинча, уларнинг иш ҳақидан 15 фоиз ушлаб колинади.

Иккинчидан, мазкур йўналиш учун бевосита жавоб берадиган ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари ҳам шунга мос равишда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ё рағбатлантирилади, ё жазоланади. Бу тартиб вилоят, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий комплекслари барча раҳбарларига нисбатан ҳам қўлланади.

Шунинг учун Бош вазир А.Ариповга, Бош вазир ўринбосари Р.Азимовга 15 кунлик муддатда иш жойлари ташкил этишни моддий рағбатлантиришга доир таклиф этилаётган ушбу тизимни шу йилнинг 1 мартидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг пухта ишланган қарорини қабул қилишни топшираман.

Учинчи — биз бугун Давлат рақобат кўмитасининг раиси Д.Ҳидоятовдан шахсан сиз ва қўмитанинг бўлинмалари хусусийлаштириш жараёнида пировард натижани нима учун назорат қилмайсиз ёки таъминламайсиз, деган саволга жавоб беришни қатъий талаб қилишга ҳаклимиз.

Сиз нима учун ушбу муаммоларни амалда ҳал этиш ўрнига менга ўзингизнинг ҳеч қандай натижа бермаган ва бермайдиган хорижий хизмат сафарларингиз ва «тақдимот»ларингиз тўғрисида оғиз кўпиртириб ахборот берасиз?

Бугун давлат бюджети ҳисобидан катта маблағларни харажат қилиб, хорижга хизмат сафарига бориб келаётган раҳбарлар ва ишчи гуруҳларидан сўрашга ҳақлимиз: қани сизлар оғиз тўлдириб, қоғозга чиройли қилиб ёзиб берган натижалар, қани инвестор ва инвестициялар?

Сиз бу ишларга мутасадди давлат қўмитасининг раҳбари бўлиб, бундай натижаларни кимдан талаб қиляпсиз? Биргина Корея Республикасига корхоналарни сотамиз, инвестициялар олиб келамиз, деб ташкил этган бир нечта бизнес форумларингиз натижа бердими, қани ваъдалар?

Агар сизлар хорижий сафарларга сарф қилган харажатларни ҳисоб-китоб қилсак, шу пулнинг ўзига иккита йирик корхонани сотиб олса бўларди.

«Ноль» қиймати бўйича 1 минг 27 та объект сотилган. Албатта, бу яхши, бироқ нима учун уларнинг кўпчилиги, баъзиларини ҳисобга олмаганда, ишга туширилмаган ва вайрона ҳолида ётибди?

Биз уларнинг ўрнига нимани ташкил этдик, қандай қувватлар ва ишлаб чиқаришлар барпо этилди, қанча одам иш билан банд? Нима учун сотилиши лозим бўлган 119 та акциядорлик жамиятидан фақат ярмининг 15 фоизлик улуши хорижий инвесторларга сотилган?

Давлат мулки талон-тарож қилингани учун бугун ким шахсан жавоб бериши керак? Сўзсиз ва биринчи навбатда сиз, қўмита раиси сифатида жавоб беришингиз шарт.

Сиз олдинги раҳбарларнинг хатоларини такрорлаб, сусткашлик қилиб ва фақат статистика билан шуғулланиб асосий бўғинни — мамлакатнинг ва халқнинг бойлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни бой беряпсиз.

Сизга охирги марта, комплекс раҳбари ва Давлат маслаҳатчиси О.Муродов билан биргаликда, Олий Мажлис билан ўзаро ҳамкорликда 20 кун муддатда, биринчидан, ушбу муаммоли масалаларни бартараф этишни, иккинчидан, сотилган ва сотиб олинган давлат мулкининг ишламаслиги, ундан самарасиз фойдаланилгани ёки талон-тарож қилингани учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мажбурият ва масъулиятини пухта ишлаб чиқишни назарда тутадиган комплекс аниқ чора-тадбирларни тақдим этишни топшираман.

Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг фаолиятида ҳам эскича ёндашувлар бартараф этилмаган. Уларнинг иш усули, ҳисоб-китоблари ва маълумотлари амалий ва тезкор чора-тадбирлар кўришни талаб этадиган камчилик ва муаммоларнинг сабабларини тўлиқ очиб бермаяпти.

Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шуғулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик.

Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур. Бу вазифани ҳал қилиш учун 1 ой муддат берилади.

Ушбу муаммолар кўп жиҳатдан вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларнинг иқтисодий тузилмалари билан тизимли ишлар йўлга қўйилмагани натижасидир.

Ахир, қачондир ва кимдир туроператорларнинг дардини эшитганми? Улар қандай масалалар билан шуғулланяпти, қандай муаммоларга тўқнаш келяпти? Уларга аниқ профессионал ёрдам кўрсатиш ҳақида умуман гапирмаса ҳам бўлади.

(Давоми 7-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-бетларда.)

Тақдим этилган ҳисоботларда зарур саволларга умуман жавоб йўқ. Биринчи — қанча одам меҳнат қиляпти? Иккинчи — ҳудудларда ислоҳотларни амалга ошириш бўйича муаммолар билан ким шуғулланяпти: менежерми ёки иқтисодиётдан умуман узоқ одамларми? Яна бир бор комплекс раҳбарига ушбу муаммо билан яқиндан шуғулланишни топшираман. Фақат энди талаб қаттиқ бўлади.

Комплекс раҳбари Р.Азимов, тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу — хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир.

Тадбиркорлар билан шахсан учрашишга сизларга нима халақит беради? Албатта, бу учрашувларда сизларга ёқмайдиган саволлар берилиши табиий.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор.

Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор оилаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ёрдам бермоқда.

Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси — фақат кўркув, яна текширишни ва сиқувга олишни бошлашади, эркин меҳнат қилишга, оиламни, болачақамни боқишга яна имконият бермайди, деган кўркув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда.

Ўйлайманки, буларнинг барчасидан сиз, Рустам Содиқович, танқидий хулоса чиқарасиз ва жорий йил якуни бўйича ҳукумат мажлисида реал натижалар билан ҳисобот берасиз.

Ҳурматли дўстлар!

2016 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди.

Шу билан бирга, 2016 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва устувор вазифаларни бажаришни таъминламаган айрим раҳбарларга бугун ҳукумат мажлисида алоҳида баҳо беришни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчи — бу ер майдонларини оптималлаштиришдаги камчиликлар. Тошкент, Наманган, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу жараён талаб даражасида ўтказилмаган.

Халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича номзодлар танлашда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Иккинчи — айрим фермер хўжаликлари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга эмас. Бу қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятлари бажарилишига ва фермер хўжаликларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчи — ишлар етарли даражада ташкил этилмагани ва айрим раҳбарларнинг, жумладан, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятлари собиқ ҳокимларининг шахсий масъулиятсизлиги сабабли бир қатор туманлар ва фермер хўжаликларида кутилган даражада пахта ҳосили олинмади.

Косонсой, Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Қуйичирчиқ, Қўштепа туманларида пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари 60—65 фоиз даражасида қолиб кетган. Зарбдор, Пахтакор, Арнасой, Мирзаобод, Ховос, Сардоба, Гулистон, Чуст ва Бекобод туманларида давлат захираси учун ғалла етказиб бериш мажбуриятлари бажарилмаган.

Ана шу фактларнинг ҳар бири бўйича мажлис баёнида принципиал ва қатъий баҳо бериш зарур.

2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликлар қуйидаги стратегик муҳим вазифаларни амалга ошириши шарт:

биринчи — экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

иккинчи — фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш. Охирги 10 йил мобайнида минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хомашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида кескин фарқ борлиги кузатилмоқда;

учинчи — **ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Жамғарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган**, агротехника тадбирларини молиялаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш зарур.

Неча йилдан бери савол бераман: агарки қишлоқ хўжалиги масъулиятсизларча ёндашув асосида молиялаштириладиган бўлса, давлат хариди учун маҳсулотни қандай етиштириш мумкин? Бу саволга ҳалигача аниқ жавоб йўқ. Нима сабабдан?

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Жамғарма томонидан фермер хўжаликларига 300 миллиард сўм маблағ тўлаб берилмаган. **Табиий савол туғилади: агар фермер давлат олдида ўз мажбуриятини бажарган бўлса, нега давлат ва унинг баъзи бир раҳбар ходимлари бу масалага бефарқ ва беэътибор муносабатда бўлмоқда? Ким бунга масъул? Ким шахсан жавоб бериши зарур ва шарт?**

тўртинчи — охирги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Энг аввало, бу ўринда гап «Ўзпахтасаноатэкспорт» компанияси (А.Камолов) ва унинг таркибига кирувчи «Ўзпахтасаноат» (Я.Хидиров), «Ўзпахтаэкспорт» (Ж.Қодиров) ва «Ўзпахтаёғ» (В.Жўраев) акциядорлик жамиятлари тўғрисида боряпти.

Ушбу тармоқларни модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича марказларни ташкил этиш бўйича ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилган.

«Ўзбекозиқовқат-холдинг» компанияси раҳбарлари О.Рустамов ва А.Салимовга саволлар тўпланиб қолмоқда. Мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 20 фоизга ҳам етмайди. Янги технология ва стандартлар ўта сусткашлик билан жорий этилмоқда.

Қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайган. Ана шу раҳбарларга нисбатан вакт ва ишонч захираси тез вакт ичида нихоясига етади. Улар бундан хулоса чиқариши зарур.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти раҳбари И.Ҳайдаров, «Ўзвиносаноат-холдинг» – Ш.Раҳимов ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси — М.Мансуров фаолиятида замонавий ёндашув ва янгиликлар сезилмаяпти.

Аниқ фактларни келтираман. Экспорт таркибида ип-калаванинг улуши юқорилигича — 53 фоиз даражасида қолмоқда. Аҳолининг пойабзалга бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси 41 фоизни ташкил этади. Узум етиштирадиган, вино ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарасиз ишлаяпти.

Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш Бош вазир ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Мирзаев учун биринчи ва жиддий имтиҳон бўлади.

Сиздан яқин вақт ичида уларни бажаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб, ахборот беришингизни сўрайман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун Бош вазир ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоевадан кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги вазифалар бўйича жавоб беришни ва уларни амалда ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни кутамиз.

Биринчи вазифа — биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Иккинчи вазифа — аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлиқ.

Учинчи вазифа — аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда.

Бу ўринда расмиятчиликка, қоғозбозликка, ҳатто кўзбўямачиликка берилиш ҳолатлари ҳам кам эмас ва бу ҳақда кўплаб ҳаққоний мисолларни келтириш мумкин. Савол туғилади: кимни ва нима учун алдаяпмиз?

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари Т.Норбоева бошчилигида Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Нуроний", "Маҳалла", "Камолот" тузилмалари, Дин ишлари бўйича қўмита, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбар ва мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилсин.

Ушбу гуруҳлар жорий йилнинг 20 январидан бошлаб Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига бориб, уч ой давомида кўчама-кўча, хонадонма-хонадон юриб, мавжуд вазиятни чуқур ва пухта ўрганади, таҳлил қилади ва жойлардаги оддий оилалардан, кўпни кўрган отахон ва онахонларимиздан ҳам таклифлар олади.

Бош вазир А.Ариповдан Давлат маслаҳатчиси О.Муродов билан биргаликда, ана шундай ўрганишлар натижалари ва аччиқ сабоқлари асосида мавжуд муаммо ва масалаларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий томондан ечимини ўзида акс эттирган Президент қарори лойиҳаси ва аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, 20 апрелгача тасдиқлаш учун киритишни сўрайман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар ахволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди.

Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Сизнинг эътиборингизни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратаман.

Биринчи вазифа — мактабгача таълим соҳасида. Очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

Иккинчи вазифа — умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

(Давоми 10-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2016/2017 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича

Султанов Юсупбек Файзуллаевич
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1995 йил 25 сентябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳрида туғилган. Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали "Зоотехния" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаси Республика босқичида "Зоология" фани бўйича ғолиблар сафидан ўрин олган. 2014 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказилган "Ижтимоий инновация ва волонтёрлик" халқаро ижтимоий-инновацион дастурлар танловида "Ёш асаларичи" дастури билан қатнашиб, минигрант соҳиби бўлган. Ёш олимларнинг халқаро анжуманларида долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Филиал талабаларига ўзининг илмга чанқоқлиги, масъулияти ва интилувчанлиги билан ибрат бўлиб келмоқда. Ҳозирги пайтда "Қорамолчиликни ривожлантириш ва мустаҳкам озуқа базасини яратишда асаларичиликнинг тутган ўрни ва қўшимча даромад олиш усуллари" мавзуида изланишлар олиб бормоқда.

Нуриддинова Мохинабону Шахобиддин қизи
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1994 йил 13 майда туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университети "Компьютер инжиниринги" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда юқори натижаларга эришиш билан бирга, халқаро ва республика илмий журнал ҳамда тўпламларида долзарб мавзулардаги илмий-оммабоп мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Университетда амалга оширилаётган "Говак муҳитларида сақлаш ва қуритиш жараёнларидаги иссиқлик ва масса алмашинуви масалаларининг ахборот ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш" илмий лойиҳасининг фаол ижрочиси. Жорий йил университет доирасида ўтказилган дастурий воситалар ва техник ишланмалар кўргазмасида "E-journal" дастури билан иштирок этиб, "Энг яхши Android илова" номинациясида биринчи ўринни қўлга киритди. Мазкур дастур Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. Инглиз ва корейс тилларини билади.

Ҳулқи, билимга чанқоқлиги билан тенгдошларига намуна бўлиб келмоқда. Айни кунда "Электрон журнал базасини автоматлаштириш ва ягона илова яратиш" мавзуидаги изланишларини давом эттирмоқда.

Узоқов Азизбек Дилшод ўғли
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 8 ноябрда Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институти "Педиатрия иши" таълим йўналиши 7-курс талабаси. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бирга, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маърузалари билан мунтазам қатнашиб, диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 35 та илмий иши чоп этилган, 8 та рационализаторлик таклифни ишлаб чиққан, битта патент ҳаммуаллифи. 2015 йили И. М. Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университетида реанимация ва анестезиология йўналиши бўйича амалиёт ўтаган. 2014, 2015 йилларда "Юрт келажаги" танловининг ғолиби бўлган. Спортнинг сузиш, теннис, баскетбол турлари билан шуғулланади. Инглиз тилини пухта билади.

А. Узоқов "Операциядан кейинги когнитив дисфункциянинг олдини олиш ва даволашнинг инновацион методлари" мавзуида изланишлар олиб бормоқда.

Раджабов Озодбек Аминбоевич
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1994 йил 1 сентябрда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида туғилган. Урганч давлат университетининг "Тарих" (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши 4-курс талабаси. У ўқиш давомида юқори рейтинг кўрсаткичларини қайд этиш билан бирга, миллий давлатчилик тарихимизни ўрганиш, миллий анъана ва қадриятларга оид ўз илмий изланишларини олиб бормоқда. 2015 йили Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган талабалар ва ёш олимлар илмий конференциясида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалланинг ўрни" мавзуидаги чиқиши билан 2-ўринни эгаллаган. Шунингдек, 2016 йили Венада ўтказилган таълим ва филология масалаларига бағишланган халқаро конференцияда ҳам "Ёшлар сиёсати: жаҳон ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги маърузаси билан қатнашди. Жамоат ишларида фаол иштирок этади. 30 дан зиёд илмий мақола ва тезислар, 1 рисола муаллифи. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг янги тарихига оид "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тарихи" мавзуида изланиш олиб бормоқда.

Абдурахмонов Абдуқаҳҳор Абдуқодир ўғли
(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)

1993 йил 16 декабрда Сурхондарё вилоятининг Узун туманида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Макроиқтисодиёт" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб келади. 20 га яқин илмий мақолалари, 3 та рисоласи чоп этилган. Изланишлари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, макроиқтисодий номутаносибликлар ва муаммоларни олдиндан кўра билиш, миллий иқтисодиётда инфляция жараёнларининг ўзгариш тенденциялари каби йўналишларни қамраб олган. 2016 йили талабалар фан олимпиадасининг якуний босқичида "Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт" фанидан 1-ўринни эгаллади. Инглиз тилини мукаммал билади.

Теран тафаккури, ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Айни кунда "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ўсишни прогнозлаш" мавзуида илмий тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Ибрагимов Хасан Исмоилович
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 18 декабрда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институти "Касб таълими"(даволаш иши) йўналиши 7-курс талабаси. Ўқув жараёнида соҳага доир билимларни пухта ўзлаштириш билан бирга, турли кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб, диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. Мамлакатимиз ҳамда хорижда 4 та илмий мақола, 7 та тезис ва 2 та услубий кўрсатмаси нашр этилган. Хусусан, "Бронхо-обструктив синдромда ҳамширалик жараёни" ўқув-услубий қўлланмаси етакчи олимлар эътирофига сазовор бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Ҳозирги кунда "Қари ва кекса кишиларда ревматоид артрит касаллигининг кечиши ва уни даволаш хусусиятлари" мавзуидаги тадқиқотлар билан банд.

Қаюмова Моҳларойим Илҳом қизи
(Журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1994 йил 29 июлда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Журналистика (Халқаро журналистика)" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Фанларни аъло баҳога ўзлаштириш билан бирга, ёшлар мавзуини ёритишга бағишланган муаммоли ва таҳлилий мақолалари билан республика матбуотида қатнашиб келмоқда. Унинг 30 га яқин илмий мақолалари республика ва хориж журналларида чоп этилган. Ёш филологларнинг II халқаро конференцияси ва "Many languages — one world" халқаро эсселар танловида қатнашган. 100 дан ортиқ журналистик материаллари: илмий, оммабоп мақолалари чоп қилинган. 2015 йили "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" танловида 1-ўринни эгаллади, "Маърифат" газетаси томонидан ўтказилган "Фаслнинг энг яхши ижодкори" танловида ғолиб бўлди. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Айни кунда "Замонавий журналистикада муаллиф нуқтаи назари: талқин ва таҳлил" мавзуида изланиш олиб бормоқда.

Исмоилова Нурхон Адҳамжон қизи
(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)

1994 йил 3 июнда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)" йўналиши 4-курс талабаси. Ўқиш давомида тил ва адабиётга бўлган қизиқиш ҳамда ноёб иқтидорини намоён этиб, фанларни аъло баҳога ўзлаштирмоқда, илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Тарбиявий аҳамиятга эга инглиз эртакларини ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этган. Факультет, университет ва республика миқёсидаги конференция ва семинарлар қатнашиб келмоқда. 15 та илмий мақола муаллифи. Жамоатчилик ишларида ҳам фаол. Инглиз, немис тилларини билади.

Мақоллар таржимасида миллийликнинг акс этиши, чет тилини маълум соҳага йўналтириб ўқитиш самарадорлиги бўйича изланишлари диққатга сазовор. Айни пайтда "Ўзбек тилидан инглиз тилига таржиманинг лингомадаваний жиҳатлари ва бунда қўлланиладиган самарали усуллар" мавзуини тадқиқ қилмоқда.

Газиев Шукуржон Шухрат ўғли
(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)

1994 йил 24 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг "Спорт фаолияти" (самбо) йўналиши 4-босқич талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш баробарида, илмий салоҳияти, интилувчанлигини намоён этиб келмоқда. Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича жаҳон кубогида биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларининг Республика фан олимпиадасида ғолиб бўлган. Самбо бўйича спорт устаси. Илмий мақолалари инглиз ва рус тилларида хорижий нашрларда чоп этилган. Изланишлари натижасида яккакураш спорт турларида шикастланишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тиббий-педагогик мажмуини ишлаб чиққан. Инглиз тилини пухта билади.

Айни кунда "Яккакураш спортчиларида шикастланишларнинг тузилмавий таҳлили ва уларнинг олдини олиш чоралари" мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Магистратура мутахассисликлари бўйича

Тошниёзов Лазизжон Голиб ўғли
(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)

1991 йил 21 майда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. Тошкент давлат техника университети "Кончилик машиналари ва жиҳозлари" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, илмий-амалий конференциялар, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Германия, Хиндистон, Бирлашган Араб Амирликларидаги илмий нашрларда мақолалари чоп этилган. 2013/2014 ўқув йилида Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган "Қудуқларни бурғилашда тоғ жинсларининг кучланганлик ҳолатининг тақсимланиши" Электрон ҳисоблаш машиналари дастури муаллифларидан бири. Инглиз тилини мукаммал билади. Геология ва кончилик иши факультети ҳузуридаги "Crystal Minds" инглиз тилида сўзлашувчилар учун мўлжалланган клуб етакчиси.

Айни пайтда "Қудуқларни бурғилаш учун тоғ жинсларини ёқловчи бурғилаш асбобининг юқори самарали конструкцияси" мавзуида илмий изланиш олиб бормоқда.

Жалилов Шоҳжаҳон Холбозор ўғли
(Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисликлари бўйича)

1991 йил 28 декабрда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. Тошкент давлат аграр университети "Қишлоқ хўжалигида менежмент" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришгани билан бир қаторда, халқаро, республика ва университет миқёсидаги анжуманларда фермер хўжаликларини бошқариш ҳамда юритишга бағишланган илмий мақола, тезис ва маърузалари билан қатнашиб келмоқда. 2014/2015 ўқув йилида Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлган. "Tempus-Uzhealth" лойиҳаси доирасида Италиянинг Пиза, Португалиянинг Порту, Словакиянинг Нитра каби қатор нуфузли хорижий таълим муассасаларида стажировкадан ўтган. Инглиз, немис тилларини билади.

Ҳозирги кунда "Фермер хўжаликларининг кўп тармоқли ишлаб чиқаришларини ривожлантиришни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўллари" мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Вахидова Наргиза Тулкиновна
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти "Тиббий радиология" мутахассислиги 3-курс талабаси. Халқаро, республика миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда болалар саломатлигини сақлашга доир долзарб мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Спортнинг синхрон сузиш, баскетбол турлари бўйича мусобақаларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. 2013 йилда Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва япон тилларини билади.

Ҳозирги вақтда "Болаларда пневмонияни ноинолашган эхографик ва магнит-резонансли томографик ташхислаш" мавзуида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Холмуродов Суннатулла Мусурмонқул ўғли
(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)



1992 йил 7 июнда Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида туғилган. Тошкент молия институти "Банк ҳисоби ва аудит" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда, республика ва университет миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуман, кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олиб келмоқда. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори, иқтисодиётда электрон тўлов тизимини ривожлантириш истиқболлари каби масалалардаги изланишлари эътиборли. У "Микроиқтисодиёт" фанидан масалалар тўплами ҳаммуаллифидир. Инглиз тилини мукаммал ўрганган.

Айни вақтда "Базель талаблари асосида тижорат банклари ички аудит тизимини такомиллаштириш" мавзуидаги илмий иш билан шуғулланмоқда.

Маманазаров Азизбек Отажон ўғли
(Табиий фанлар мутахассисликлари бўйича)

1992 йил 10 октябрда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. Фарғона давлат университети "Математика (дифференциал тенгламалар)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанларни аъло баҳога ўзлаштирган талаба 2014 йили Мирзо Улуғбек номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлган. "Аралаш параболик ва параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар" монографияси ҳаммуаллифи, 10 та мақола, 10 та тезис муаллифи. Унинг тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга бўлиб, газлар ва суюқликлар динамикаси, сиртларнинг кичик букилиши, қобиқлар назарияси, тупроқ намлиги ва сизот сувлар сатҳини даврий башоратлашда аҳамиятлидир. Илмий натижалари нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги нашрларда ҳам чоп этилган. Университетдаги фундаментал илмий лойиҳаларда иштирок этмоқда. Инглиз, немис тилларини билади.

Айни пайтда "Сингуляр коэффициентли аралаш параболик ва параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар" мавзуидаги илмий изланишлар билан банд.

Палимбетова Малика Жанабаевна
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)

1991 йил 6 сентябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети "Адабиётшунослик" (Қорақалпоқ адабиёти) мутахассислиги 2-курс талабаси. У барча ўқув фанини аъло баҳога ўзлаштириш билан бир қаторда, илмфан соҳасида ҳам салмоқли ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, илмий тўгараклар, илмий-амалий конференцияларда Ажиниёз Қўсибой ўғли, Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ каби қорақалпоқ шоирлари ижоди, замонавий қорақалпоқ адабиётида ижтимоий мавзуларнинг ифодаланиши каби йўналишлардаги тезис ва маърузалари билан иштирок этмоқда. Турли кўрик-танловларда диплом, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини билади.

Айни вақтда "Бердақнинг эпик асарларида қўлланилган фольклор анъаналари" мавзуида тадқиқот олиб бормоқда.

Игамбердиев Обиджон Рубдулла ўғли
(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)

1990 йил 20 майда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти "Спорт фаолияти (спорт турлари бўйича)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқиш давомида эришган юқори рейтинг натижаларини фан олимпиадалари, спорт беллашувларида ҳам намоён этмоқда. Республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги долзарб мақолалари билан қатнашиб, қатор сертификат, фахрий ёрлиқ ва ташаккурномаларни қўлга киритган. Айниқса, ногиронлар фойдаланадиган спорт иншоотларини дастурий воситалар ёрдамида лойиҳалаш мавзуидаги изланишлари эътиборга лойиқ. Инглиз тилини билади.

Ҳозирги кунда "Ўқув-машғулотларда гуруҳ спортчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш усуллари" мавзуидаги илмий изланишлар билан шуғулланаяпти.

Рустамов Сардор Муйдинхон ўғли
(Педагогика мутахассисликлари бўйича)

1991 йил 18 июлда Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган. Наманган давлат университетининг "Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси" мутахассислиги 2-курс талабаси. У халқаро ва республика доирасидаги илмий журнал ҳамда анжуманларда 50 дан зиёд илмий мақола ва тезислари билан қатнашган. "Имконияти чекланган болаларнинг камол топишида коррекцион ишларнинг ўзига хос хусусиятлари" монографияси, "Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тўплами", "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий-тиббий педагогик асослари" рисолалари ва "Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти тушунчаларининг қисқача изоҳли луғати"нинг муаллифидир. Шунингдек, "Юрт келажаги — 2014" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби. 2014 йилда Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори, 2015 йили "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби бўлган. Кўл тўпи, айкидо спорт турлари билан шуғулланади. Инглиз тилини билади.

Ҳозирги пайтда "Имконияти чекланган болаларни реабилитация қилиш ва инклюзив таълим тизимида ўқитишнинг педагогик асослари" мавзуидаги изланишлар билан машғул.

Досматова Барно Бахтиёр қизи
(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)

1993 йил 21 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти "Лингвистика (хитой тили)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқиши давомида юқори натижаларга эришиш билан бирга, республика миқёсидаги журнал ҳамда тўпламларда хорижий тилни ўрганиш услубиятига оид мақолалари, тезислари билан қатнашмоқда. "Хитой тилида либосларга оид атамаларнинг тузилмавий-семантик таҳлили", "Хитой тилида табу ва эвфемизмлар" шулар жумласидандир. "Хитой тили" ўқув қўлланмаси ҳаммуаллифи, "Хитой тилида морфемани контракция" рисоласи муаллифи. Мазкур қўлланмалар тилни осон нукталаридан мураккабга қараб ўргатишга мўлжалланган. Чет тилининг кўприк сифатидаги вазифаларини чуқур англаган талаба хитой тилидан ташқари, инглиз тилини билади.

Айни кунда "Хитой тилида морфемани контракция" мавзуидаги илмий тадқиқот билан шуғулланмоқда.

Сейтназарова Гулжаҳан Суханатдиновна
(Журналистика мутахассисликлари бўйича)

1992 йил 25 сентябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети "Журналистика" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқиш давомида ўз мутахассислигига оид фанларни аъло баҳога ўзлаштириш билан бирга, илмий журнал ва анжуманларда 30 га яқин илмий мақола ҳамда тезислари билан қатнашган. 2010 йили "Қорақалпоғистон" нашриётида "Баҳорим келди", "Бахтли қизлар" номли ижодий тўпламлари чоп этилган. Ҳаммуаллифликда яратилган "Журналистикага оид матн ва машқлар" (немис тили), "Адабий таҳрир фанидан машқлар тўплами" каби қўлланмаларидан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Қўллаб танловларда иштирок этиб, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар билан тақдирланган. Немис тилидан ташқари, инглиз тилини ҳам билади.

Бугунги кунда "Журналистикада шарҳ жанри (Қорақалпоғистон оммавий ахборот воситалари мисолида)" мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Хўжаев Шоҳжаҳон Акмалжон ўғли
(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича)

1993 йил 29 декабрда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган. Тошкент давлат юридик университети "Халқаро тижорат ҳуқуқи" мутахассислиги 2-курс талабаси. 2014 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби бўлган. Ўқиш ва илмий изланишлари давомида юқори натижаларга эришгани билан бир қаторда, Конституциямиз, амалдаги қонунлар ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам ҳамиша фаол иштирок этиб келади. 2013 йили Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида амалиёт ўтаган. 15 та илмий-оммабоп мақола ва 4 та рисола муаллифи. "Тафаккур синовлари" ҳамда "Меҳнат ҳуқуқи билимдони" каби танловларда ғолиб бўлган. Инглиз тилини билади.

Ҳозирги пайтда "Халқаро тижорат низоларини ҳал этиш тартиби ва ҳуқуқий асослари" мавзуидаги илмий изланишларини амалга оширмоқда.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 17 январь сонидан олинди.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-бетларда.)

Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу — педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазифа — таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Афсуски, ҳеч ким бунинг учун жавобгар эмас. Нима сабабдан? Ахир, бу ўринда гап барчамизнинг фарзандларимиз тўғрисида, ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, мамлакатимизнинг келажаги ҳақида кетяпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимовни огоҳлантириб айтмоқчиман. Сиз бу соҳада катта тажрибага эга бўлган ҳолда, нафақат ушбу камчиликларни бартараф этиш, балки туб ва сифатли ўзгаришларни таъминлаш учун ҳам шахсан жавоб берасиз. Олдинги йиллардаги хатоларни такрорлаш керак эмас.

Тўртинчи вазифа — нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш. Бунга Фанлар академияси аъзолари билан яқинда ўтказилган учрашув ва узоқ муддатли мулоқот давомида қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур:

биринчи — илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт;

иккинчи — академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Сизга, Абдулла Нигматович, Фанлар академиясининг янги Президенти Б.Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой муддатда олимлар билан учрашувда берилган топшириқларни ижро этиш бўйича пухта ишланган чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилади.

Бешинчи вазифа — китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Бош вазирга алоҳида комиссия тузиб, бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадиий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилади.

Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуда ҳам пухта ўрганиш зарур.

Шу ўринда ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.

Ушбу масалаларни амалга ошириш учун биз куни кеча алоҳида фармойиш ҳам қабул қилдик.

Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифамиз — «Электрон ҳукумат» тизими самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳажмда ишламаяпти. Айрим идоралар эса бу тизимга ёки уланмаган, ёки очиқ айтадиган бўлсак, уни нима қилишни ҳам билмайди.

2016 йилдаги айрим фактлардан ўзингиз хулоса чиқариб олинг. Давлат хизматлари ягона порталига 534 минг фуқаро ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлардан 6 мингдан ортиғи ёки кўриб чиқилмаган, ёки уларга ўз вақтида жавоб берилмаган.

Рўйхатга олинган 4 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг атиги мингга яқини тизимга жойлаштирилган. Туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг кўпида ушбу тизим самарасиз ишлатилмоқда.

Ҳатто технологик жараёнларни ва бошқариш тизимларини такомиллаштиришга жиддий эҳтиёж бўлган йирик корхоналар, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари ҳам ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда зарур ташаббус кўрсатмаяпти. Улар қаторида «Ўзбекнефтгаз», «Ўздонмаҳсулот» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ҳам бор.

Бундай юзаки ёндашув билан кўплаб муаммоларимизни ечишимиз мумкинми? Шу сабабли яқин вақт ичида ана шу ишлар аҳволини муҳокама қилиб, бу борада тасдиқланган Миллий дастурни бажаришнинг самарадорлиги юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, истиқболдаги вазифалар тўғрисида ахборот бериш керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳокимларнинг мавқеи ва роли, уларнинг тумандаги, шаҳар ва вилоятдаги ишлар аҳволи учун шахсий жавобгарлиги Конституциямизда принципиал қоида сифатида белгилаб қўйилганини барчангиз яхши биласиз.

Биз ҳар доим уларнинг фаолияти натижаларига алоҳида эътибор қаратганмиз ва бундан кейин ҳам бу масала диққатимиз марказида бўлади.

Шуни инобатга олиб, яқинда барча бўғиндаги ҳокимликларнинг тузилмасига принципиал ўзгаришлар киритилди. Бунга қандай зарурат бор эди?

Биринчидан, ҳудудларни, айниқса, қолоқ шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришга доир энг муҳим устувор вазифани амалга ошириш заруратидан келиб чиқилди.

Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар **кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади.**

Иккинчидан, ҳудудий ва тармоқ бошқаруви самарасига, уларнинг ривожига холис баҳо беришни қийинлаштирадиган ҳолатлар мавжуд. Масалан, республикага бўйсунадиган йирик корхоналар кўрсаткичини чиқариб ташласак, вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми жуда кичик бўлиб қолади.

Бош вазир А.Ариповга бир ой муддатда ҳудуд ва тармоқлар кўрсаткичлари ҳисоби ва уларни статистикада акс эттириш механизмини такомиллаштириш юзасидан қарор тайёрлаш ва қабул қилиш юкланади.

Масалан, Навоий ва Олмалиқ конметаллургия комбинатлари, нефтгаз ва кимё саноати корхоналарининг ҳудудларга бевосита алоқаси йўқ. Уларни ривожлантиришга эришишда ҳокимликларнинг ҳеч қандай роли ва хизмати йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунинг учун оқни — оққа, қорани — қорага ажратиш вақти ҳам келди. Шунда статистик рақамлар ҳам ҳақиқий ҳолатни акс эттиради.

Учинчидан, ҳокимликларнинг тузилмасини ишлаб чиқишда тўпланган тажриба ҳамда бир қатор вилоятлар ҳокимларининг таклифлари ҳисобга олинди.

Тузилмага қўшимча равишда қуйидагилар киритилди. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳокимнинг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, шунингдек, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

Ахборот-таҳлил гуруҳлари кучайтирилди. Чегарага яқин 80 та туманда ҳокимнинг махсус ёрдамчиси лавозими киритилди. Жами 739 та қўшимча штат ташкил этилди.

Яқинда ҳокимлар ва ҳокимликларнинг барча ходимлари иш ҳақини уларнинг меҳнат стажидан келиб чиққан ҳолда ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўйлайманки, энди барча бўғиндаги ҳокимларнинг ходимлар сони етишмаслиги тўғрисида шикоят қилиши учун объектив асос йўқ. Энди ушбу лавозимларга самарали ишни таъминлайдиган, муносиб кадрларни танлаш бўйича олдимизда муҳим вазифа турибди.

А.Арипов, О.Раматов ва Р.Азимовнинг эътиборини ҳокимларнинг биринчи ўринбосари лавозимларига муносиб номзодларни тақдим этиш чўзиб юборилганига қаратаман.

Бироқ яна бир устувор вазифа бор. Бу — Бош вазирнинг барча ўринбосарлари, департаментлар, тармоқларни бошқариш органлари раҳбарларининг ҳокимлар ва уларнинг тегишли ўринбосарлари билан ўзаро яқин алоқаси ва фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлашдир. **Энди самарали ишлаш барча раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғликдир.

Биринчи — давлат раҳбари — Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

Иккинчи — ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Учинчи талаб — сафларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш.

Ўтган йили ишдаги жиддий камчиликлар ва шахсий масъулиятсизлиги учун олий ва ўрта махсус таълим вазирини, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзагросаноатмаш-холдинг» компанияси, «Асакабанк» ва бошқа бир қатор бошқарув органлари ва ташкилотлар раҳбарларини лавозимидан озод этдик.

Айнан ана шу сабабларга кўра Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, бир қатор шаҳар ва туман ҳокимлари лавозимидан озод қилинди.

Буларнинг барчаси давр талаби. Бу талаб иқтисодиёт ва айниқса, ижтимоий соҳанинг, шунингдек, аҳолининг муҳим муаммоларини **бир ой ёки бир йилдан кейин эмас, балки шу бугун, ҳозирнинг ўзида ечиш заруратидан келиб чиқади.**

Ҳисобот берувчи Бош вазир ўринбосарлари, тармоқлар раҳбарлари ва ҳокимлардан, шунингдек, мажлисда иштирок этаётган барча мутасадди шахслардан асосий эътиборни қуйидаги саволларга қаратишни сўрайман:

биринчи — ҳар бирингиз камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун қандай аниқ чораларни кўрасиз?

(Давоми 11-бетда.)

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 10-бетларда.)

иккинчи — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш бўйича қайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима қилиш керак?

Яна бир бор таъкидламоқчиман: бизга назарий ва умумий фикрлар эмас, ана шу иккита саволга аниқ ва лўнда жавоб керак.

* * *

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мажлисга якун ясаб, қуйидаги фикрларни таъкидлади.

— Азиз дўстлар, ҳозир сизлар билан белгилаб олган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ишимизни янгича асосда ташкил этиб, ҳар биримиз ўз жойимизда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ иш олиб боришимиз керак. Бугунги мажлисда билдирилган барча таҳлилий ва танқидий фикрлар эртанги кун учун, янги марраларни эгаллашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши лозим: биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда "Сен — менга тегма, мен — сенга тегмайман" деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз "вазият ёмон, вазият оғир" деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди.

Бугун бу мажлисда ҳамма нарса ўз номи билан айтилиб, иқтисодиётимиздаги мавжуд аҳвол холис таҳлил қилинди, келгуси режалар белгилаб олинди.

Энг муҳим вазифамиз — мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз аввало биз — раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади.

Ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган Президент сайлови халқимизнинг эртанги кунга, келажакка бўлган ишончини кўрсатди. Энди биз ана шу юксак ишончни амалий ишлар билан оқлашимиз шарт. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз хулоса қилайлик: жонажон Ватанимиз, олижаноб халқимизнинг ишончини қозониш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун фақат тинимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус кўрсатиб яшаш керак. Одамлар буни кундалик ҳаётда сезиши, кўриши зарур.

Халқимизда "Дўст ачитиб гапиради" деган мақол бор. Биз бир-биримизга нисбатан айтилган танқидий гапларни албатта тўғри тушунамиз, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ўтган йил биз учун осон бўлмади. Жуда оғир қийинчилик ва мусибатларни бошимиздан ўтказдик. Лекин бу синовлардан муносиб ўтдик.

Худога шукр, мана, 2017 йил ёмон келмаяпти. Тоғларда қор мўл, "оби раҳмат" — ёмғирлар ёғиб турибди. Бу — қишлоқ хўжалиги, деҳқон ва фермерларимиз учун қут-барака, мўл ҳосил дегани.

Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис этмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу-умидлар билан яшаяпти. Бу орзу-умидларни ким амалга оширади? Аввало, мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, навқирон ёшларимиз. Бунинг учун бизда куч ва имконият, билим ва салоҳият ҳам, қатъий ирода, интилиш ва азму шижоат ҳам етарли.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, янги ютуқлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маърузада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ва мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси кун тартибига киритилган муҳим масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари — 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари — 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси — 14,4 фоиз, хизматлар — 12,5 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилдагига нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, "ЖМ Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори кулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб туннелга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен — Поп темир йўл линияси қурилди. Тошкент — Бухоро маршрути ва Қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезланишли "Афросиёб" йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларининг 6,6 фоиз, жумладан, мева-сабзавот — 11,2 фоиз, картошка — 9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоиз ўсишини таъминлади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилидагига нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоиз ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоиз, пенсия ва ижтимоий нафақалар — 12,1 фоиз, аҳоли жон бошига реал даромадлар — 11 фоиз ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал бўлмаган муаммолар ва тўлиқ ишлатилмаган захираларни батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда 2017 йилдаги республиканинг иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим стратегик вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича таклиф киритди. Устувор вазифалар қаторида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллади.

Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини босқичма-босқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгиланди.

Мажлисда кун тартибини муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, қатор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йўл қўйилган хатолар ва камчиликлар, ташаббуссизлик учун айрим раҳбарлар уларни бартараф этиш ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларни янада жадал ривожлантириш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ижросини таъминлашда шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилдилар.

Ўтказилган мажлис якунлари бўйича мамлакат Президенти томонидан ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига қуйидаги аниқ устувор вазифалар ва талаблар қўйилди:

биринчи — 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

иккинчи — иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларида ишларнинг ҳолатини тизимли танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда устувор вазифаларига тегишли тузатишлар киритиш;

учинчи — якуний иш натижалари, қаттиқ интизомга риоя қилиш ҳамда тобора ортиб бораётган замонавий талабларга мувофиқ бошқарув тизими самарадорлигини кучайтириш борасида раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш.

Муҳокама якунлари бўйича республика Ҳукумати қарори қабул қилиниб, 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

Кутубхонанинг самарали фаолияти

китобга, китобхонга меҳри баланд мутахассислар томонидан ташкил этилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Китоб ва мутолаанинг ўрнини бошқа ҳеч қандай нарса боса олмайди.

Шу маънода, фармойишда аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланганини эътиборлидир.

АРМ — фақат таълим муассасасига хизмат кўрсатадими?

Аслида, инсон онгининг маҳсули, ақл-заковат нишонаси бўлган ҳар қандай нарса ҳам даврлар ўтиши билан ўзгариб, қайсидир жиҳатлари такомиллашиб боради. Бундай ўзгаришлар, албатта, жамиятнинг эҳтиёжи, замонавий талаблар асосида амалга ошади. Шу жумладан, кутубхоналар тармоғи ҳам давр шиддатига мос тарзда ўз фаолият доирасини, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг шакл ва услубларини ўзгартирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ушбу соҳада жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Аввало, кутубхона деб номланган маънавий-маърифий муассасаларнинг аксарияти энди *ахборот-ресурс маркази* (АРМ) ва *ахборот-кутубхона маркази* (АКМ) деб юритиладиган бўлди. Маданият ва спорт ишлар вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказилиб, Ахборот-ресурс марказлари деб атала бошланди. Хўш, бундай жиддий ташкилий ўзгаришлардан кейин кутубхоналар фаолиятида туб бурилишлар юз бердими?

Қарорда белгилаб қўйилганидек, *таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашиш* — АРМларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Демак, АРМ бирор-бир ўқув муассасаси кутубхонаси негизида ташкил қилинадиган кутубхона бўлиб, мазкур таълим муассасаси ўқувчиларига ҳам, мазкур ҳудудда яшайдиган аҳолига ҳам хизмат кўрсатиши керак. Шу сабабли аввалари маълум бир кутубхонанинг филиали тарзида (асосан қишлоқ жойларида) фаолият олиб борган масканлар ҳам энди бевосита АРМлар тасарруфига ўтказилди. Бунинг ўзига хос ижобий томонлари бор, албатта.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, АРМга юклатилган вазифалар амалда тўлиқ бажарилаяпти, деб бўлмайди. Назаримизда, таълим муассасалари раҳбарлари АРМни фақат таълим муассасасига тегишли, деб ўйлайди. Ваҳоланки, қарорда белгилаб қўйилганидек, у ўша жойдаги аҳолига ҳам хизмат кўрсатиши лозим. Иккинчидан, илгари бирор-бир туман кутубхонаси ёки унинг филиалидан фойдаланган китобхонлар АРМлар фаолиятини ҳозиргача тўлиқ тушуниб етган эмас. Натижада китобхонлар сони кескин камайди. Буни АРМ ўқув залларидаги китобхонларни кузатиб билиб олиш мумкин.

АРМ жамғармасидаги деярли барча китобларнинг электрон варианти яратиласяпти. Бу, аслини олганда, китобхон учун жуда яхши имконият, чунки инсон учун энг катта бойлик — вақтдан ютамиз. Лекин айни шу афзалликнинг баъзи камчиликлари ҳам кўзга ташланмоқда. Китоб ҳамда унинг электрон шаклидан фойдаланиш ўртасида анчагина фарқ мавжуд. Негаки, китоб ўқиш жараёнида ҳар қандай одам фикрлашга ўрганади, ундан керакли маълумотлар билан бирга маълум маънода маънавий-руҳий завқ, озуқа олади. Муайян қисмини ўқиб тугатгач, китобни ёпиб қўйиб, ҳалёлан орқага қайтади, берилган савол ва топшириқларни бажаришга ҳаракат қилади. Агар китоб бадиий асар бўлса, асар сюжетига боғлиқ тарзда ижобий қаҳрамонлар билан бирга "яшай" бошлайди: севинади, ғазабланади, эҳтиросга берилади ёки қаҳру ғазаби ошиб, нафратлана бошлайди. Бильакс, китоб мутолаасидаги айни шу жараён электрон кутубхонадаги материаллардан фойдаланганда у қадар сезилмайди. Демак, электрон ресурснинг таъсирини китобнинг инсонга кўрсатадиган таъсири билан тенглаштириб бўлмайди. Шундай экан, биз АРМлардаги зарур адабиётларни, хусусан, бадиий асарларни электрон шаклда эмас, балки китобнинг аслини ўқиб чиқишга китобхонларни ўргатиб бормоғимиз зарур. Чунки мутолаадан асосий мақсад ҳам мушоҳадага чорлашдир. Бунда ҳам ота-оналар, ўқитувчилар билан биргаликда кутубхоначи ходимларнинг ўрни каттадир. Шу ўринда қарорда таъкидланганидек, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий аҳамиятга эга китоблар билан таъминлаш масаласи долзарб эканини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки китоб бошқа ахборот ташувчи манбалардан фарқли ўлароқ, фойдаланишда ортиқча шарт-шароит ҳамда махсус жой талаб этмайди.

Кўринадики, китоб, китобхон, китоб мутолааси ва кутубхона муаммолари шахсий ёки тор доирадаги масалалар сирасига кирмайди. Зеро, машҳур француз файласуфи Дени Дидро ёзганидек, "Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар".

Кадрлар масаласи — ҳамиша долзарб

Галдаги масала китобхонлар билан ишлайдиган АРМ ходими — кутубхоначи хусусида. Албатта ўз касбини севадиган, тегишли маълумотга эга кутубхоначигина ўз атрофига ҳақиқий китобхонларни йиғиб, уларга зарур маълумотларни бера олади. Етук мутахассис бу жараёнда ўз билими, замонавий ахборот технологияларидан хабардорлиги, китобхонларга эҳтиёжидан келиб чиқиб китобларни рисоладагидек тақдим эта олиши билан ажралиб туради. Демак, бу ўринда ҳам кадрлар масаласи ҳал қилувчи масала сифатида юзага чиқади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги йил арафасида мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида ёшларни мутолаага ўргатишда муҳим ўрин тутадиган кутубхоналарда фаолият юритувчи кадрларни тайёрлаш масаласи бежиз кўтарилмаганини таъкидлаш зарур. Гап шундаки, Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" таълим йўналишининг ўқув режа ва дастурларида асосан техник фанларга ўрин ажратилган бўлиб, анъанавий кутубхонага алоқадор бор-йўғи иккита фан ўрганилади. Гап китоб, китобхонлик ҳақида кетар экан, ўқувчи-ёшларни мутолаага ўргатиш, китобга меҳрини оширишни фақат техниклар ёки техник воситалар ёрдамида амалга ошириб бўлмаслиги ойдинлашади.

Маълумки, 2012 йилга қадар кутубхоначи мутахассислар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида тайёрланарди. Аввал "Кутубхонашунослик", кейинчалик "Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув" деб номланган факультетда барча турдаги кутубхоналар учун олий маълумотли, малакали кутубхоначи-библиографлар тайёрланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида ҳам кўрсатиб ўтилган: *"2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида "ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" таълим йўналиши бўйича бакалавриат кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин"*.

Эътибор берилса, бир таълим йўналиши бўйича икки олий таълим муассасасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш белгиланиб, бунда Тошкент давлат маданият институтида тайёрланаётган кутубхоначи ходимларнинг ўзига хослиги ҳисобга олинганди. Бироқ 2012 йилги таркибий ўзгаришлар, яъни Ўзбекистон давлат санъат институти ва Тошкент давлат маданият институти негизида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этилганидан сўнг мазкур йўналиш Тошкент ахборот технологиялари университетидаги йўналишга қўшиб юборилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик соҳасида мутахассис тайёрланса-да, улар асосан ахборотнинг техник таъминотига ихтисослашган. Буни таълим йўналиши бўйича тайёрланган ишчи ўқув режадан ҳам билиб олиш мумкин. Унда жами 9288 соат ҳажмида машғулот мўлжалланган бўлиб, бор-йўғи иккита фан анъанавий кутубхонага алоқадор: "Кутубхонашунослик" — 108 соат, "Умумий библиография" — 90 соат ҳажмида ўқитилади. "Умумкасбий фанлар" блокида ҳам, "Танлов фанлари" блокида ҳам бирор соат китобнинг мазмун-моҳиятини билишга ажратилмаган. Хўш, асосан ахборотнинг техник таъминоти бўйича тайёрланаётган мутахассисда китобга меҳр, китобхонга нисбатан хушмуомалалик хислатлари тўлиқ шаклланармикан?

Она тилимизда *фидойи* сўзи ишлатилади. Ушбу сўз "бирор кимса, нарса ёки ғояга астойдил берилган ва улар учун жондан кечишга ҳам тайёр, содиқ" луғавий маъносига эга. Ҳар гал шу сўзни эслаганимда, кўз олдимга аввало кутубхоначилар келади. Таҳсил олган даргоҳим — ЎзМУда иккита кутубхона бор эди: ўқув кутубхонаси ва илмий кутубхона. Ҳар иккаласининг ходимлари ниҳоятда хушмуомала, ўз касбига фидойи инсонлар эди. Бир рус аёли бизга кутубхона фонди ва каталогларидан фойдаланиш бўйича бироз сабоқ берганди. Шу сабабли бўлса керак, ҳозирга қадар мамлакатимизнинг турли кутубхоналаридан фойдаланганимда, ўзимга керакли китобни қийналмай топганимда ўша аёлни эслайман.

Университетни тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ишлаганимда кутубхонанинг беқиёс аҳамияти ва кутубхоначининг заҳматини чуқурроқ англай бошлаганман. Негаки, Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси ўзининг китоб фонди ва фидойи кутубхоначилари билан ажралиб туради. Улар сиз учун ҳамиша хизматга шай. Алифболи ва системали каталоглар китобхон учун қулайлик яратади. Бирор китобни топишга қийналсангиз маслаҳатчи-кутубхоначи кўмакка тайёр. Ҳозирги пайтда таниқли кутубхонашунос-библиограф Зухра Бердиева раҳбарлик қилаётган мазкур кутубхона ҳақиқий зиё масканига айланган. Барча ходимлар китобхон учун жонсарак, имкон қадар излаган асарингизни топиб беришга ҳаракат қилишади. Эҳтимол, сиз уларнинг ойлик маоши жуда юқори, шу сабабли ҳам ўз иш ўрнини йўқотгиси келмайдида, деб ўйлашингиз мумкин. Аслида эса уларнинг ойлик маоши кўп эмас, биз бу ҳақда матбуотдаги чиқишларимизда айтиб ўтган эдик. Улар азбаройи ўз касбига фидойилиги сабабли, хазиналар ороли — китобларга чексиз меҳри туфайлигина сизу бизга хизмат кўрсатади, мана шу меҳнатидан маънавий рағбат олади.

Фойдаланувчими ёки китобхон?

Кейинги пайтларда кутубхонашунослик соҳасида қўлланаётган айрим атамалар кишини ўйлантириб қўяди. Масалан, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг "Асосий тушунчалар" деб номланган 3-моддасида "фойдаланувчи" деган атама ишлатилган ҳамда қуйидагича изоҳланган: "***фойдаланувчи*** — ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш учун ахборот-кутубхона муассасасида рўйхатга олинган шахс". Маълум бўладики, биз ҳозиргача қадар қўллаб келаётган *китобхон* ўрнида "фойдаланувчи"дан фойдаланишимизга тўғри келади.

Шўро даврида кутубхоначиликка доир термин сифатида *абонент, абонемент* сўзлари ҳам ишлатилган. Лекин мустақиллик йилларида мазкур сўзлар истеъмолдан чиқиб кетди. Биз она тилимизда ясалган, кутубхоначилик соҳасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб оладиган *китобхон* сўзини қўллай бошладик. Лекин нима сабабдандир мазкур атама қонун матнида акс этмай қолган. Ёки "фойдаланувчи"нинг "китобхон"дан афзаллик жиҳатлари, устунлик томонлари бормикан?

Бизнингча, *фойдаланувчи* термини русча "пользователь" сўзининг таржимаси бўлиб, одатда, бирор нарсадан, масалан, сув, иссиқ сув, электр энергияси, газ таъминоти, телефон, транспорт ва ҳоказолардан фойдаланувчи шахс — абонентни англатади. Шу маънода олганда, "*фойдаланувчи*" сўзи электрон кутубхонадан фойдаланувчи шахсгагина тўғри келиши мумкин. Лекин зинҳор-базинҳор "китобхон"нинг ўрнини боса олмайди. Бунинг сабаблари жуда оддий. Аввало, китобхон кутубхонадан шунчаки фойдаланувчи эмас, у китобни мутолаа қилади, ўзига керакли билимни олади, олинган билимлар асосида мулоҳаза юритади, охир-оқибатда, янги бир фикр юзага келади. Шундай экан, *китобхон* сўзи кутубхонада ҳам, АРМда ҳам қўлланиши зарурга ўхшайди. Акс ҳолда биз китобхонни эмас, "фойдаланувчи"ларни кўпайтирамиз, холос.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "Кутубхоначи — кутубхонада китобларни сақлаш, ўқувчиларга бериш ва қабул қилиш вазифаларини бажарувчи ходим", деб берилган. Назаримизда, берилган ушбу изоҳ ҳам *кутубхоначи* сўзининг асл маъносини тўлиқ очиб бера олмаган. Чунки изоҳда кўрсатиб ўтилган жараён бор-йўғи кутубхонадаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимининг иши, холос. Ваҳоланки, *кутубхоначи* китобнинг асл моҳиятини чуқур англаган инсон, қалб қўрини, юрак меҳрини китобларга бахшида этган, ўз китобхонларининг ютуғидан қувониб, улар учун вақтини аямасдан қулайлик яратиш завқи билан яшайдиган зот эмасми?! Бугунги кунда мамлакатимизда устувор соҳа ҳисобланган маънавий-маърифий, сиёсий-мафкуравий ишлар олиб боришда энг фаол тарғиботчилар ҳам кутубхоначилар бўлиши керак, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Инсон ўзини англаши учун китобга мурожаат қилади. Китоб орқали маънавий озуқа олади, ўзига руҳий қувват сингдиради. Айни шу маънода, китоб, кутубхона ва кутубхоначиларнинг шарафли меҳнатини эсга олиш, ҳурматини жойига қўйиш, имкон қадар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам фарз, ҳам қарздир. Айниқса, маҳаллий ҳокимликлар ва хусусий тадбиркорларимизнинг бу борадаги эътибори, кўрсатадиган ташкилий ва моддий ёрдами ниҳоятда муҳим. Негаки, кутубхона — зиё масканига бериладиган ҳар қандай эътибор келажак сари ташланган қадам, илмий салоҳиятни асраб-авайлаш демакдир!

Равшан ЖОМОНОВ,
филология фанлари номзоди

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

Янги «Fly High»

содда, қулай ва қизиқарли ўйинларга бой

Ҳар бир миллат маданияти, руҳи унинг тилида акс этади. Шу боис кишининг икки ёки ундан ортиқ тилни билиши хазина топган билан баробардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 1-синфдан бошлаб ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатиш кенг йўлга қўйилгани халқимизни мамнун этганининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.



Қарорга биноан, чет тилини ўрганиш тизимини енгиллаштириш, ўйин ва оғзаки нутқ шаклидаги машғулотларда қўллашга доир методикаларни кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йиллар давомида чет тиллар бўйича янгидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос равишда 1—4-синфлар учун дарслик-мажмуалар тайёрланиб, амалиётга жорий қилинди. Мазкур дарсликларнинг мантиқий давоми сифатида бу йил 5-синфлар учун ҳам муаллифлар гуруҳи томонидан инглиз, немис ва француз тили дарсликлари ишлаб чиқилди.

Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш ҳамда таълим сифатини юксалтириш, чет тилини ўқитиш ва ўрганишда қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни таҳлил этиш мақсадида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида видеосеминар ташкил этилди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази раҳбарияти, дарслик-мажмуа муаллифлари, эксперименатор-ўқитувчилар, методистлар иштирок этди. Онлайн видео мулоқотни худудий халқ таълими бошқаруви идораларида фаолият олиб бораётган методистлар, ўқитувчилар тўғридан-тўғри кузатиб борди. Тадбирда тўрт йилдан буён тажрибасинов жараёнларида фаоллик кўрсатаётган педагоглар муаллифларга дарслик-мажмуани такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдиришди. Тажриба-синовни юқори савияда ўтказиш юзасидан масъул мутасаддилар, методистлар ҳамда мактаб директорларига тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, келгуси ўқув йилидан амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилаётган янги таҳрирдаги 5-синф «Fly High» дарслигининг ўзига хосликлари, афзалликлари, мажмуадан самарали фойдаланиш усуллари юзасидан дарслик-мажмуа муаллифларидан бири Лутфулло Жўраев билан суҳбатлашдик.

— Янги ўқув-методик мажмуа аввалгисидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

— Амалдаги «Fly High» (5-синф) инглиз тили ўқув-методик мажмуаси 2017-2018 ўқув йили олдидан ДТС ва ўқув дастури асосида қайта ишланиши, жорий ўқув йилининг III чорагида умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилиши, олинган натижалардан келиб чиққан ҳолда тегишли тузатишлар киритилгач, чоп этилиши режалаштирилган. Айни пайтда биз дарслик-мажмуани қайта ишлаш, такомиллаштириш ва саҳифалаш ишларини олиб бормоқдамиз. Такомиллашган ўқув-методик мажмуа аввалги нашрдан тубдан фарқ қилади. Бу, аввало, унинг ўлчамида кўринади: дарслик 1–4-синф инглиз тили дарсликлари каби 70x90 $^1/_8$ ўлчамда чоп этилади. Китобнинг жаҳон андозаларига мувофиқ катта бичимда бўлиши техник жиҳатдан матн ва расмларни саҳифада санитария ва гигиена талабларига мос равишда эркин жойлаштириш имконини берса, таълимий жиҳатдан ўқувчиларга эстетик завқ бағишлайди, дарсликдан мажбурият юзасидан эмас, балки мамнуният билан фойдаланишни таъминлайди, ўқувчиларда инглиз тилини севиб ўрганишга рағбат уйғотади.

Янги нашр 1–4-синф «Kids' English» ўқув мажмуаларининг тадрижий давоми бўлиб, грамматик маълумотлар ва лексик бирликларнинг кўплиги, мультимедиа дискининг мавжудлиги каби кўплаб ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Хусусан, дарслик одатдагидек алифбо ёки бирданига янги тил материалини ўргатишдан эмас, балки ўқувчининг шу мавзу бўйича кичик синфларда ўрганган билимини турли интерфаол усулларда такрорлаб олишдан бошланади. Қўлланма қуйи синфларда инглиз тилидан бошланғич билим ва кўникмага эга бўлган болаларга мўлжалланган инобатга олиниб, «Fly High» (5-синф) дарслиги бўлимларидаги машқ ва матнлар тўлиқ ёки қисман ўзгартирилди, расмларнинг тахминан 50 фоизи янги чизилган расмлар ёки фотосуратлар билан алмаштирилди.

— Мавзуларни болаларга тез ва осон етказиб беришда дарсликнинг қулайлиги нималарда яққол акс этади?

— Дарсликнинг мультимедиа иловаси ҳамда ўқитувчи методик қўлланмаси борлиги бу борада педагогларимизга анча енгиллик яратади. Мультимедиа иловаси янги мавзуларни қизиқарли интерфаол усулларда тушунтириш имконини берса, ўқитувчи методик қўлланмасида дарсликнинг ҳар бир машқини қандай бажариш юзасидан бир неча босқичли аниқ кўрсатмалар берилган. Булар дарсни самарали ҳамда сифатли ташкил этиш ва ўтишда ўқитувчига ёрдам беради.

Дарсликнинг ҳар бир бўлими 7 та машғулотдан иборат: 5 та дарс, 1 та лойиҳа иши ва 1 портфолио дарси. Дастлабки 5 та дарсда янги билимлар олиниб, машқ қилинса, лойиҳа иши ва портфолио яратиш каби амалий машғулотларда билимлар мустаҳкамланади, амалда синаб кўрилади. Ҳам назарий, ҳам амалий тарзда берилган билим ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши билан бирга, мавзу моҳиятини тушунишида ҳам қўл келади.

— Мураккаб мавзуларни тушунтиришда қандай ёндашувлар танланган?

— Дарсликда тўрт нутқ фаолияти турлари: ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзув кўникмасини бирдек ривожлантириш мақсад қилиб олинган. Замонавий инглиз тили таълимида ўқитишнинг ўқувчига йўналтирилган ёндашувига алоҳида урғу берилган. Яъни, ўқув жараёнида асосан ўқувчилар фаолиятига, уларнинг кўпроқ мулоқот қилишига эътибор берилади. Дарҳақиқат, ўқувчиларга янги тил материалини машқ қилиш ва амалда қўллаб кўриш учун имкон берилса, самарали мулоқот қилишни кўпроқ ўрганади. Шу сабабли дарсликка жуфтлик ва гуруҳларда ишлаш орқали ўқувчиларни янги тил материалини табиий қўллашга ундайдиган кўплаб машқлар, ижодий ишлар ва тил ўйинлари киритилганки, бу болаларимизнинг чет тилини катта қизиқиш билан эгаллашига хизмат қилади.

Эътиборлиси, дарслик 5-синф ўқувчисининг психо-физиологик хусусиятларига мос тайёрланган бўлиб, бу мажмуанинг иллюстрацияларида, матнларнинг мураккаблик даражасида, машқ ва аудио-видео материалларда, ўйинларда кўринади. Ўқувчи 5-синфга келиб ҳам жисмонан, ҳам руҳан улғаяди. Ўқув-методик мажмуа материаллари ҳам шунга монанд бўлиши зарур.

— Дарслик-мажмуанинг бир қисми ҳисобланган мультимедиали иловалар, ўқитувчи китобидаги ўзгаришлар ҳамда ота-оналарнинг уйда фарзандлари билан бирга шуғулланиши учун мўлжалланган машғулотларга ҳам тўхталсангиз.

— 1–4-синф чет тили дарслик-мажмуалари таркибида магнит тасмаси, аудио диск мавжуд эди. Улар фақат тинглашга мўлжалланган бўлиб, ҳеч қандай визуал, видео материалларни ўз ичига олмаган. Энди замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқув-методик мажмуанинг мультимедиали иловаси ҳам яратилмоқдаки, ундан ўқитувчи дарсда, қолаверса, ўқувчилар, ота-оналар уйда электрон дарслик сифатида фойдаланиши мумкин. Мультимедиа илова дарсликнинг электрон шакли билан интеграллашган аудио ва видео материаллар, қизиқарли интерфаол машқлар, қўшимча фонетик, грамматик ва бошқа машқларни ўз ичига олган. Ўқитувчи методик қўлланмаси ҳам эндиликда 192 саҳифадан иборат бўлиб, дарсликка мос равишда ўзгартирилмоқда. Кўлланмада ҳар бир дарс ва машқ мақсадлари, уларни бажариш усуллари, айрим машқларнинг калитлари, болалар билан шуғулланишга доир қўшимча материаллар, тест саволлари ва ҳоказолар батафсил ёритиб берилмоқда.

Дарслик 160 саҳифадан иборат бўлиб, 102 соат ўқув машғулотига мўлжалланган. Дарслик ҳамда иш дафтари материалларини ўз ичига олган нашрда ўқувчининг уй вазифалари ота-оналарга ҳам тушунарли бўлиши учун уларнинг шартлари, кўрсатмалари инглиз ва ўзбек тилларида берилди. Бундан ташқари, дарслик охиридаги грамматик материаллар ҳам ўзбек тилида. Ишончимиз комилки, бу ота-оналарга фарзанди билан уй вазифаси устида шуғулланишда катта ёрдам беради.

— Янги дарслик-мажмуанинг таълим жараёнига татбиқ этилишида амалиётчи ўқитувчилар ҳамда улар билдирган таклифларнинг ўз ўрни бор. 1–4-синф дарсликларидан тажрибада фойдаланган педагоглар томонидан қандай ўринли таклифлар билдирилди? Янги дарсликни тайёрлашда бу таклифлар инобатга олиндими?

— 1–4-синф дарсликларини тажриба-синовдан ўтказишдан олдин, синов давомида ҳамда ундан кейин нафақат педагоглар, балки психологлар, вазирлик мутасаддилари ва бошқа умумтаълим мактабларига алоқадор ташкилот ходимлари ҳамда чет эллик мутахассислардан дарсликнинг дизайнини такомиллаштириш ва тил материалларини ўқувчи ёш хусусиятларига монанд соддалаштириш юзасидан жуда кўп ўринли таклифлар олинди. Мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилар ва муаллифлар гуруҳининг ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, жаҳон андозаларига мос ўқув-методик мажмуалар яратилди, деб ўйлайман. Ҳозирги кунда ўқувчилар улардан севиб фойдаланмоқда. Ўтган йиллар давомида орттирилган тажриба 5-синфлар учун ўқув-методик мажмуани яратишда қўл келмоқда. Ҳали олдинда тажриба-синов ишлари турибди. Биз экспериментатор ўқитувчилардан кўпроқ таклифлар олиш, ўқув-методик мажмуани янада такомиллаштириш, ўқувчиларнинг севимли китобига айлантириш умидидамиз.

— Бу йил тажриба-синов жараёнида ўқувчилар, ўқитувчилар ва фан методистлари учун сўровномалар тарқатилмоқда. Улардан фойдаланиш қай йўсинда амалга оширилади?

— Тажриба жараёнида юзага келаётган камчиликлар, дарсликдаги мавзуларнинг мураккаблик даражаси, ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва педагогларнинг ўқитиш имкониятларини сўровномалардан фойдаланиб кузатиб бориш, таҳлил қилиш мумкин. Ўқувчилар учун мўлжалланган сўровномалар ҳар бир дарс якунида тўлдирилиб, ўқитувчига тақдим этилади. Махсус сўровнома ўғил-қизларга енгиллик ёки қийинчилик туғдирган машқлар, дарснинг ўқувчиларда қолдирган таассуроти хусусида маълумот йиғиш имконини яратади. Ўқитувчи ушбу сўровномаларни йиғиб боради. Экспериментатор-ўқитувчилар учун икки хил сўровнома мавжуд. Биринчиси ҳар бир дарсда тўлдирилса, иккинчиси ҳар бир бўлим якунида тўлдириб борилади. Дастлабки сўровнома матн шаклида, кейингиси эса жадвал тарзида берилган. Педагог ҳар бир пунктда сўралган жиҳатларга ўз нуқтаи назарини баён қилиб, фикрини изоҳлаши, мазкур масала юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдириши мумкин. Фан методистлари эса сўровномаларини ўқитувчиларникидан келиб чиққан ҳолда тўлдириб боради. Ушбу сўровномалар икки ҳафтада бир марта ўқитувчилар томонидан туман фан методистларига тақдим этилади. Улар умумлаштирилган сўровномаларни вилоят методистларига етказади. Шундан кейин Республика таълим марказига келиб тушган сўровномалар ўрганилиб, умумлаштирилади. Улар тегишлилиги бўйича дарслик-мажмуа муаллифлари, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамда нашриётларга топширилади. Айни сўровномаларда эътибор қаратилган жиҳатлардан хулоса чиқарган муаллифлар ва бошқа мутахассислар дарслик-мажмуани такомиллаштириб боришади.

«Ma'rifat» мухбири Дилмурод ДЎСТБЕКОВ суҳбатлашди.

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

Ақл қайроқлари

Агар китоб жавонинг сермазмун, маъно-мағзи тўқ асарлар билан тўла бўлса, сўнг ўқишга ҳеч ким халал бермаса, бундан ортиқ ҳузур йўқ, назаримда.

Шу маънода "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этаётган китобларнинг мундарижаси анчайин тўлиқ, ранг-баранг. Жаҳон адабиётининг сара намуналари, ўзбек ёзувчиларининг томлик асарлари, айрим адиблар асарларининг яхлит тўпланиши, болаларга бағишланган қўлланма, рисолаларнинг мунтазам, сифатли нашр этилиши, дизайнининг ҳам ўзига хослиги эътиборлидир. Айниқса, болалар, ўсмирлар, ўқувчилар учун чиқариладиган босма маҳсулотларни катталар ҳам қизиқиб, қидириб ўқийди.

Боланинг фикрлаш қобилияти ривожланиши, руҳий олами шаклланишида математика, мантиқ илмининг, аниқ фанларнинг роли бениҳоя катта. Галилео Галилей қатор изланишлардан сўнг: "Табиат математика тилида сўзлайди: бу тилнинг ҳарфлари доиралар, учбурчаклар ва бошқа геометрик шакллардир", деган фикрга келган экан. Математика ўқувчига ҳар доим қийин фандек туюлади. Масала, машқлар эса забт этилмас чўққидек гўё. Арифметик амалларни содда, равон, тушунарли тарзда ўргатиш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Ўтган йили нашриётда чоп этилган "Қизиқарли математика" рисоласи (муаллиф Е.И.Перелман) болаларнинг севимли адабиётига айланиши, асосий машғулотларга қўшимча манба бўлиши тайин. Китобда математикага оид турли-туман жумбоқлар, мураккаб масалалар кичик ҳикоялар тарзида берилган. Уларни ечиш учун элементар арифметикани билиш, геометрияни ўрганишнинг ўзи кифоя. Китобни А.Т.Хўжахонов ўзбекчага ўгирган.

"Қизиқарли математика"га ҳамроҳ сифатида чоп этилган "Минг бир бошқотирма" ҳам китобхоннинг ақлини чархлайди, мантиқий фикрлашини оширади. "Соғлом бола йили" Давлат дастури учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нашр этилган китоб 10—15 ёш оралиғидаги ўқувчиларга тўртинчи марта тақдим этилмоқда. Қўлланмадаги минг бир ҳаётий бошқотирма, аввало, болани топқирликка, мулоҳаза билан жавоб қайтаришга, зеҳнини ўткирлашга кўмаклашади. "Тез жавоб беришга шошилманг!" деган огоҳлантириш билан бошланган бошқотирмалар турмушнинг турли жабҳаларидан олингани билан аҳамиятлидир. Болага нимани, қачон ўргатишни ҳаммамиз ҳам англайвермаймиз. Табиат, теварак-атроф, олам ҳақидаги тасаввурлари секин-аста бойиши баробарида унинг фикрлаш дунёси ҳам кенгайиб бораверади. Бунда, шубҳасиз, содда мантиқнинг ўрни беқиёс.

Агар мойчироқ тез-тез ёғланиб, пилиги алмаштириб турилмаса, чироқ равшан ёнмайди. Ақл ҳам шундай. Мунтазам илм ёғидан қуйилмаса, тез қурийди. Ақлу онгни муттасил мойлашда китобларга қўшимча турли машғулотлар ҳам фойдали. Айниқса, қадимдан бери барҳаёт шахмат халқаро ўйин даражасига бежиз кўтарилмаган. Эсон Алининг "Кичкинтойларга шоҳмот ўйини" қўлланмаси икки йил аввал чоп этилган бўлиб, 5-6 ёшли болакайларга ўйиннинг қоидалари, усулларини ўргатишда керакли дастуриламалга айланди. "Ёзамиз, санаймиз, ўйнаймиз" даъвати билан болаларни илмга чақирган муаллиф шахмат ўйини ҳақида илк тушунчаларни, ҳисоблаш техникасини, қонун-қоидаларни муфассал, суратлар ёрдамида изоҳлайди.

Инсон оламни тадқиқ этиб, илмнинг тубсиз уммонига қанчалик шўнғимасин, билганларидан билмаганлари кўп. Табиат, коинот, ҳайвонот дунёси, фан-техника, хуллас, ҳар қайси илмнинг адоғи, чегараси йўқ. Айни лаҳзада нимадир кашф этилиб, тўрт томонга овоза этилса, эртага ундан ҳам зўр, мукаммалроғи аниқланади. Лекин илм олами нечоғлик бепоён бўлмасин, ўқувчи ўзига тегишли, қизиқ томонларини бўлаклаб-бўлаклаб ўрганаверади. Қодир Тўрахўжаев, Саттор Бурҳонов, Муҳайё Зокирова ҳаммуаллифлигида нашрдан чиққан "Қизиқарли билимлар олами" рисоласи ўзида турфа фанлар: математика, физика, кимё, биология, география, астрономияга оид янгиликлар, жаҳоншумул кашфиётлар тарихи, турмушда асқотадиган маълумотларни жамлаган. Ушбу китоб серсавол мактаб ўқувчиси учун айни муддао. Унда фан-техникага оид ғаройиб ихтиролар, нуфузли Нобель мукофоти тарихи, совриндорлари рўйхати, арифметик масалалар оммабоп услубда ёзилган. Энциклопедияга ўхшаш қўлланма ўқувчининг доимий ҳамроҳига, мунтазам мурожаат этувчи манбасига айланиши тайин.

Болалигида дўстлари билан "Бекинмачоқ", "Мушуксичқон", "Чиллак", "Қувлашмачоқ" ўйнаб улғаймаган бола бўлмаса керак. Ҳатто "Тош отар" ҳам қадрдон. Бу болалар учун наинки ўйин, балки ростмана кураш. Мағлубият аламини тотиш, ҳафагарчилик, ғалаба нашидаси, бир-бирини қўллаш каби катталарга хос одатлар кичикликдан бошланишини мана шу ўйинлар ўзида акс эттиради. Мақсад шунчаки олишув, тортишув ёки вақтни ўтказиш эмас, билъакс — яшаш учун кураш. Мутахассис Охунжон Сафаровнинг "Ўзбек халқ болалари ўйинлари" азал-азалдан мавжуд болалар ўйинларини жамлаб, тўплам тарзида тайёрланганини, ранг-баранг суратлар, қўшиқ ҳамда тез айтишлар билан бойитилгани сабаб қимматлидир. Ҳаракатли ўйинлар, сўз ўйинлари, чорламалар, санамалар, соф ҳаракатдан иборат ўйинлар, ҳаракатни сўз бошқарадиган ўйинлар ва бошқа қатор қизиқ машғулотларни ўқиган, ўрганган болажонлар, шубҳасиз, бу халқ ўйинлари билан қизиқиб қолади. "...Ҳар бир ўйин ўзига хос драматик асардай, ҳаётнинг қай бир парчаси, қай бир дарди, қай бир муаммосини акс эттирувчи саҳна асаридай бўлиб, унинг муаллифи ҳам, ижрочиси ҳам тағин ўша болаларнинг ўзлари...", дейди муаллиф сўзбошида. Ҳақиқатан, болалар ўйинлари фақатгина ўйин ёки овунчоқ эмас, унда олис ўтмиш, халқ турмуш тарзи, урф-одатлари, болаларнинг руҳий олами яширинган бўлади.

"Шарқ" НМАК, шунингдек, "Мактаб кутубхонаси" рукнида чоп этаётган қатор китоблар, қўшимча қўлланмалар мактабгача ёшдаги болалар, мактаб, академик лицей ҳамда коллеж ўқувчилари учун беминнат ёрдамчи, теварак-оламни ўрганишда, билимларини мустаҳкамлашда, қизиқтирган саволларига жавоб излашда керакли манбадир. Бундай китобларга қайта-қайта мурожаат этиш, такроран ўқиш, амалда самарали қўллаш китобхон дунёқарашини бойитади, илм олишга иштиёқини оширади. Шу тариқа болалар китоблардан-да яхши дўст, ишончли ҳамроҳ, маслаҳатчи йўқлигини англаб боради.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

"Байрам сценарийлари"

ўқитувчилар учун муҳим қўлланма

Ўлкамиздаги байрамлар нафасини, энг аввало, қадрдон маскан — мактаблар бағрида ҳис қилиш мумкин. Қутлуғ саналар муносабати билан ташкил этиладиган турли тадбирлар ўғил-қизларни нафақат изланишга ундайди, балки уларда юрт келажагига дахлдорлик туйғусини ҳам оширади. Шу маънода, ўқитувчи Гулжамила Аъзамхўжаеванинг "Таълим муассасалари учун байрам сценарийлари" китобини ҳар жиҳатдан муҳим услубий қўлланма сифатида эътироф этиш мумкин.

"Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган ушбу китобда таълим муассасаларида "Биринчи қўнғироқ"дан то "Хайр, мактаб — салом, коллеж!"гача ўтказиладиган байрамларга оид дарс, тарбиявий соат ва тадбир сценарийлари тартиб билан батафсил ифодаланган. Муаллиф ҳар бир сценарийни мавзуга оид шеърлар билан бойитган, шунга мос қўшиқлар топа олган. Мазкур услубий қўлланма ўқитувчи-муаллифнинг ўз тажрибалари, изланиш ва меҳнати самарасидир.

Шунингдек, қўлланмада улуғ зотлар — Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур... каби фахру ифтихоримиз саналган буюк аждодларимиз, шоир ва ёзувчилар, байрамлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Услубий қўлланма сифатида тавсия этилаётган ушбу китоб сценарийлар шаклида янги педагогик технологияларга асосланган намунали дарс, тадбир ва тарбиявий соатларни ўзида қамраб олган. Қўлланма мактаб, академик лицей ва коллеж ўқитувчи-ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, кенг омма учун мўлжалланган. "Байрам сценарийлари", айниқса, устозлар учун чинакам маънода муҳим қўлланма ҳисобланиб, унинг наинки китобхонлар жавонидан, асосийси, ўқувчилар қалбидан муносиб ўрин олишига ишонамиз.

Муқаддас ОМОНОВА,
Республика таълим маркази ижтимоий, иқтисодий билим асослари ва маънавий-маърифий ишлар бўлими бош услубчиси

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

Тинимсиз машқ — ғалаба гарови

Bolalar sporti

Зарбдор туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари кейинги йилларда турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритмоқда. Бунга таълим муассасасида яратилган шароитлар ишончли замин яратмоқда. Мактабнинг 12х24 метр ҳажмдаги спорт зали ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. 12 та тўгаракда мунтазам машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Биз борган куни волейбол бўйича қизлар жамоаси машғулот ўтказаётган экан.

— Волейбол мусобақаларини яхши кўраман, — дейди 9-синф ўқувчиси Барчиной Мирзаева. — Жамоамиз билан кўплаб ютуқларга эришганмиз. Волейболчи қизларимиз вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган. Тўгаракда ўрганганларимиз "Қувноқ стартлар" республика телевизион мусобақасида муносиб иштирок этишимизни таъминлаяпти.

Мактабнинг "Ёшлик" жамоаси "Қувноқ стартлар" мусобақасида 2001 йилдан буён қатнашиб келмоқда. Бугунга қадар улар 6 марта 1-ўринни, 3 марта 2-ўринни ва 3 марта 3-ўринни қўлга киритди. Бухоро вилоятида ўтган бу йилги финал баҳсларида ҳам "Ёшлик" яна чемпион бўлди.

Маълумки, ўқувчиларнинг севимли ўйинига айланган мазкур беллашувларда ҳар бир жамоадан 12 нафар ўғил бола ва 12 нафар қиз иштирок этади. Низомга кўра, мусобақа дастуридан 54 та миллий ва амалий ўйин турлари жой олган.

Ушбу мусобақаларга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш учун "Ёшлик" жамоаси аъзолари йил бўйи тиним билмайди. Баҳор ва ёз фаслида кунига 2 марта — эрталаб ва кечқурун машғулот ўтказади. Жамоанинг чаққон, зукко ўқувчилари, хусусан, Улуғбек Сафаров, Асадбек Бозорбоев, Зуҳра Раҳматуллаева, Мадина Холмўминова, Феруза Тожиева, Барчиной Мирзаева каби ўғил-қизларнинг юқоридаги ғалабаларда ҳиссаси катта. Айниқса, жамоа сардори Жалол Назарқосимов саватга тўп ташлаш, дарвозага тўп киритиш, манежга тўп ташлаш каби шартларда ўзини кўрсатади, жамоани ортидан эргаштиради.

Мактаб ўқувчилари "Қувноқ стартлар" билан чекланиб қолмаган, албатта. Аммо мана шундай баҳсларда тобланган болалар мактаб ўқувчиларининг энг нуфузли мусобақаси — "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида тобора яхши натижаларни қайд этмоқда. Жумладан, ушбу мактаб ёшлари бадиий гимнастика ва бадминтон бўйича туманда 1-ўринга кўтарилиб олди. Енгил атлетика, қўл тўпи ва стол тенниси бўйича ҳам ғолиблар сафи кенгаймоқда. Умумжамоа ҳисобида эса таълим муассасаси туманда 1-ўринни эгаллади.

— Мактабимизда 638 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — деди 9-умумтаълим мактаби директори Дилафрўз Хўжақулова. — Уларнинг 308 нафари қизлар. Муҳими шуки, мактабимизнинг 420 нафар ўқувчиси турли тўгаракларга жалб этилган. Уларнинг фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириши ва интеллектуал салоҳияти ошишида жисмоний тарбиянинг ўрни катта бўлаётгани бизни қувонтиради. Қолаверса, ўқувчиларимиз орасида болалар спорт мактаби ҳамда мусиқа ва санъат мактабига қатнайдиган ёшлар ҳам талайгина.

Жисмоний тарбия фанидан тажрибали ўқитувчи Жўрабек Қорабеков дарс беради. Ўқувчиларни "Қувноқ стартлар" мусобақасига тайёрлашда ҳам унинг ҳиссаси катта бўлди. Жўрабек "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида намунали иштирок этган, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибидир. Унинг касбдошлари Улуғбек Қорабеков ва Жумагул Алибекова ҳам бу борада ёшларга беминнат кўмак бераяпти.

Бир сўз билан айтганда, мактабдаги спорт ишларининг тўғри йўлга қўйилиши натижасида соғлом ва баркамол ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги байрами муносабати билан таълим муссасаларида ҳарбийлар билан учрашувлар ташкил этилиб, ҳарбий қисмларда "Очиқ эшиклар кунлари" ўтказилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда санъаткорлар иштирокида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

"Менинг акам — ҳарбий"

Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида "Менинг акам — ҳарбий" байрам тадбири бўлиб ўтди. Видеоконференция усулида ташкил этилган анжуманда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳарбий қисмларда хизмат бурчини ўтаётган аскарлар ота-оналари, акаукалари, опа-сингиллари, дўстлари билан видеоэкран орқали дийдорлашди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлатимиз мудофаа қудрати ошаётгани, кучли қуролланган, замонавий техникалар билан таъминланган, тезкор ҳаракатланувчи профессионал армия шакллантирилгани, ҳарбий ҳизматчилар учун қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Байрамда иштирок этган ёшларга Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани бажариш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи экани яна бир бор тушунтирилди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

"Ватан ҳимояси — муқаддас бурч"



Юнусобод туманидаги Ахборот-ресурс марказида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни-га бағишлаб "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги 259-, 265-, 313-, 327-мактабларнинг китобхон ўқувчилари иштирок этди. Ўқувчиларнинг ватанпарварлик руҳидаги бадиий чиқишлари, китоблар кўргазмаси ва "Китоблар шаҳрига саёҳат" мавзусида викторина, овозли ўқиш мусобақаси тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Ватан ҳимоясига бел боғлаган ҳар бир инсон энг аввало, билими бўлиши керак, — дейди Ахборот-ресурс маркази раҳбари З.Зайнутдинова. — Бунинг учун эса китоб ўқиш керак. Қўлида китоб билан униб-ўсаётган болалардан эса келажакда ҳақиқий Ватан ҳимоячилари чиқишига ишонамиз.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Пойтахтимиздаги 278-мактабда Олмазор туманидаги умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари учун "Ақлга — билим, қалбга — маънавият" мавзусида семинар ўтказилди.

Ўтган йил таҳлили

янги режаларга замин бўлди

Тадбирда Олмазор тумани ҳокимлиги вакиллари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассислари, синф раҳбарлари, мактаб психологлари иштирок этди. Шўъба йиғилишларидаги "2016 йилда Олмазор тумани ХТМФМТТЭБ тасарруфидаги умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан таҳлил ҳамда 2017 йилда амалга ошириладиган вазифалар", "Ёш психологияси ва таълим-тарбия жараёнида уларни ҳисобга олиш масалалари", "Педагогик жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ахборот хуружларидан ҳимояланиш" мавзуларидаги маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу семинар йил давомида амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олиш ва ўтган йилги фаолиятимизни таҳлил этишга хизмат қилди, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими мутахассиси Ф.Аҳмаджонова. — Шунингдек, маънавий-маърифий ишларга оид меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича зарур янгиликлар билан танишдик.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Махмудова Феруза Фуркатовна номига 2003 йилда берилган В № 127789-рақамли бакалавр дипломи ва унинг иловаси ҳамда 2005 йилда берилган М №015632-рақамли магистр дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳарбийлар билан учрашув

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида ўтказилган маънавият кунида ўқувчилар Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир гуруҳ ҳарбийлар билан учрашди.

Тадбирда сўз олган таълим муассасаси директор ўринбосари Баҳодир Курбонов ва бошқалар ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 25 йиллик байрами билан табриклаб, мазкур учрашув ўқувчилар учун қанчалик аҳамиятли ва самарали экани хусусида тўхталди.

Шундан сўнг кеча меҳмонлари — Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими ходими Шерзод Ҳикматов, Ўлмас Очилов ва шу бўлимнинг ёшларни ҳарбий хизматга жўнатиш комиссияси шифокори Замира Абилова лицей ўқувчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди. Хусусан, улар ёшларга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги 5 та олий ҳарбий билим юрти — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети ва Тошкент телекоммуникация йўналишидаги академик лицей тўғрисида маълумот бериб, олий ҳарбий билим юртларига кириш имтиҳонлари қай тартибда ўтказилиши ҳақида сўзлаб берди.

Тадбир якунида лицей ўқувчилари тайёрлаган бадиий дастур намойиш этилди.

Зайниддин ЎРИНБОЕВ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Ижтимоий фанлар факультети "Фалсафа ва мантиқ" кафедраси профессори Шодмон Азизовга қизи **Соҳиба АЗИЗОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Маънавият тарғибот маркази жамоатчи тарғиботчиси **Турсуной СОДИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Ижтимоий фанлар факультети "Социология" кафедраси катта ўқитувчиси Фарҳод Пармоновга волидаи муҳтарамаси **ҲУРМАТ АЯ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Геология ва география факультети ўқув устаси Анвар Исломовга падари бузруквори **Шоюсуф ОТА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

2017-yil 18-yanvar, № 5 (8966)

Қисқа муддатли гуруҳлар

болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг мақбул усули

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тасвирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тизимда амалга ошириладиган ишларга бағишланган "Болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашда мактабгача таълим муассасаларининг ўрни ва янгича ёндашув" мавзусидаги медиатурдан бир лавҳа эди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 10-МТМда ташкил этилган тадбирда иштирокчилар узлуксиз таълимнинг илк босқичи сифатида МТМга эътибор қаратиш фарзандларимизнинг келгусида сифатли таълим-тарбия олишида мустаҳкам пойдевор бўлишини англаб етишди.

— Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган дастур тизимда кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи Сабоҳат Миржалилова. — Хусусан, мактабгача таълим сифатини ошириш, 5-6 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлашда анъанавий шакллар билан бирга муқобил тарзда 6100 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш режалаштирилган.

Намуна тарзида ушбу муассасада МТМга қамраб олинмаган 40 нафар бола қисқа муддатли гуруҳларда "Билимдон" дастури доирасида мактабга тайёрланаётганини кузатдик. Болалар ҳар куни соат 8:30 дан 12:00гача турли йўналишдаги учта машғулотда иштирок этишади. Ривожлантирувчи марказларда нутқ ўстириш, бадиий адабиёт билан танишиш, математик ва ижодий қобилиятини ўстириш, жисмоний ва мусиқий машғулотларда иштирок этиб, мактаб таълимига ҳар томонлама тайёрланади.

— Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган 406 та МТМда 57 500 бола тарбияланмоқда, — дейди 10-МТМ мудираси Мухтабар Мухсимова. — Мактабгача таълимга қамраб олинмаган 2700 нафар бола 65 та қисқа муддатли гуруҳда икки навбатда мактабга тайёрланмоқда. 2017 йилнинг биринчи чорагида қисқа муддатли гуруҳлар сонини 120 тага етказиб, ҳудудий эҳтиёжга кўра, 4800 нафар болани жалб этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Муассасада кичик кутубхона ташкил этилиб, 50 номдаги бадиий адабиётлар билан таъминлангани тарбиячи ва ота-оналарга қулайлик яратган бўлса, фарзанди боғчага қатнамайдиган оилаларга "Камалакнинг етти жилоси" — етти номдаги китоблар жамланмаси бепул етказиб берилди. Ота-оналар ҳудуддаги МТМ тарбиячилари кўмагида ушбу китоблардан фойдаланиб, фарзандига мактабгача билиши керак бўлган малакаларни ўргатмоқда.

— 2014 йили замон талабларига мос тарзда бунёд этилган 10-МТМ фаолиятини вилоятдаги мутахассислар синчиклаб ўрганишди, — деди Қибрай туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган брифингда Халқ таълими вазирининг ўринбосари Дилшод Кенжаев. — "2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор асосида республикамизнинг барча ҳудудларида шу каби намунали иш ташкил этишга барчамиз масъулмиз. Комплекс вазифалар ижросини таъминлаш натижасида 2021 йилда 5-6 ёшли болаларни юз фоиз тайёр ҳолда мактаб таълимига жалб этишга эришамиз.

Брифингда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat
TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-115. Tiraji 58239. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 20.50 Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6